БУТУН ДУН'Е ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

УЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 30

20 МАРТ ШАНБА 1954 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

БУГУННГИ СОНДА:

КПСС Марказий Комитетининг ВЛКСМ XII с'ездига табриги (1-нчи бет).

Бутун совет халқи СССР Олий Советига сайлов ўтказучи Марказий сайлов комиссиясининг ахборатини зўр хурсандчилик блан кутиб олди. (1-нчи бет).

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: **Т. Орипов.** — Комсомолга раҳбарлик—партия ташкилотининг муҳим иши. **Б. Халилов.** — Партия маорифига аҳамият берилмаётир (2-нчи бет).

ТАНҚИД ВА БИБЛИОГРАФИЯ: **Ш. Тоҳиров.** — «Бўл тайёр!» тўплами ҳақида (2-нчи бет).

МАРКСИЗМ-ЛЕНИНИЗМ НАЗАРИЯСИНИ ЎРГАНУЧИЛАРГА ЁРДАМ: **М. Китаев.** — Марксистик партия аграр программасининг В. И. Ленин томонидан ишлаб чиқилиши (2 ва 3-нчи бетлар).

Колхозчи ўртоқлар, бутун куч ва моддий-техника воситаларини кўкламги дала ишларини кучайтириб юборишга сафарбар этингиз! Қолоқ колхозларга амалий ёрдамни кучайтириш керак (3-нчи бет).

СССР Қизил Крест ва Қизил Яримой жамиятлари Союзи ижроия комитетида (4-нчи бет).

Дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдамлашиш ҳақидаги Совет—Болгария шартномасининг олти йиллиги (4-нчи бет).

Шарқий Покистон қонун чиқариш мажлисига сайлов (4-нчи бет).

БУТУНИТТИФОҚ ЛЕНИНЧИ КОММУНИСТИК ЁШЛАР СОЮЗИНИНГ XII С'ЕЗДИГА

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети Бутуниттифоқ Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзининг XII с'ездини ва бу с'езд орқали барча комсомолларни, кўпмиллатли Совет Иттифоқимизнинг шонли ёшларини қизғин тарбиклайди.

Ленин комсомоли Коммунистик партия раҳбарлиги остида коммунистик жамиятнинг миллионларча актив қуручиларини тарбиялаб етиштирди. Комсомол Ватан саодати йўлида қаҳрамонона кураши ва шонли меҳнати блан бутун совет халқининг ҳурмати ва муҳаббатига сазовор бўлди.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети ишонч билдириб айтадики, бизнинг комсомолларимиз ўзларининг бутун ғайрати ва ёшлик кучларини коммунизм қуришдан иборат улуғ ишга бағишлаб, бундан буён ҳам Ленин комсомолининг шонли ишларига янада кўпроқ ҳисса қўшадилар.

Эндиликда, социализмдан коммунизмга аста-секин ўтиш шароитида ёшларни коммунистик руҳда тарбиялаш, марксизм-ленинизм асосларини эгаллаш ва Маркс—Энгельс—Ленин—Сталиннинг ғолиб ва қудратли та'лимотини онгли суратда амалга ошириш ишида комсомолнинг роли янада кўпроқ ортади. Комсомол совет ёшларини ўз Ватанига фидокорона хизмат қилиш ва Коммунистик партияга садоқат руҳида, СССР халқларининг мустаҳкам дўстлиги руҳида тинмай тарбиялаши, совет кишиларининг энг яхши ҳислатларини — меҳнатга муҳаббат, бардамлик, мардлик, ишимизнинг ғалабасига маҳкам ишонч, ҳарқандай қийинчилик ва ғовларни енгишга тайёр туриш ҳислатларини ёшларимизга сингдириши керак. Комсомолнинг бурчи — ёшларнинг ўз ишлабчиқариш малакасини доим оширишлари, билимларини, илғор фан ва техника ютуқларини қунт блан эгаллашлари ва бу ютуқларни халқ хўжалиги ҳамда маданиятнинг барча соҳаларида амалда моҳирлик блан қўлланабилишлари тўғрисида ҳартомонлама ғамхўрлик қилишдан иборат. Комсомол ёшларни жисмоний жиҳатдан чиниқтириш, уларни меҳнатга ва Ватан мудофаасига тайёрлаш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилиши лозим.

Комсомолнинг энг муҳим вазифаси — комсомоллар ва барча совет ёшларининг давлат, хўжалик ва маданий қурилишда, мамлакатнинг бутун ижтимоий-сиёсий ҳаётида тобора актив қатнашишларини та'минлашдан иборат. Ёшларнинг э'тибори социалистик саноатни тобора ривожлантиришга, қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини ва халқ иste'мол моллари ишлаб чиқаришни кескин суратда ривожлантириш юзасидан Партия ва Ҳукумат томонидан белгиланган программани амалга оширишга, мамлакатимиз аҳолисининг халқ иste'моли молларига бўлган ва ўсиб бораётган эҳтиёжларини яқин 2-3 йил ичида етарли миқдорда қондиришдан иборат буюк умумхалқ вазифасини бажаришга кўпроқ қаратилиши лозим. Комсомол социалистик мусобақани янада кенг ривожлантириши, кўпроқ активлик ва ташаббус кўрсатиши, совет ёшларининг кучларини халқ хўжалигининг барча тармоқларида меҳнат унумини ҳартомонлама оширишга сафарбар қилиши керак.

Комсомол Коммунистик партиянинг ёрдамчиси ва резерви сифатида ўз ролини муваффақиятли бажариши учун ўз ишини доим такомиллаштираборишги зарур. Совет ёшлари олдида турган вазифаларни бажаришда катта роль ўйнайдиган комсомол органлари ўз ишларини кескин суратда қайтадан қуришлари, канцеляриячилик-бюрократик методларини комсомол ташкилотларига раҳбарлик қилиш практикасидан суриб чиқаришлари, ёшлар ўртасида конкрет ташкилотчилик ва тарбия ишлари блан кўпроқ шуғулланишлари лозим. Жонли кишилар — комсомоллар ва совет ёшлари, уларнинг меҳнати, турмуши, ўқиши ва тарбияси тўғрисида, йигит ва қизларнинг ўсиб бораётган барча эҳтиёж ва талабларини қондириш тўғрисида доим ғамхўрлик қилиш — комсомол ташкилотларининг диққат марказида туриши керак. Бунинг учун кенг ёшлар оммаси блан амалий алоқаларни тинмай кенгайтириш ва мустаҳкамлаш зарур.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети ишонч билдириб айтадики, пролетар интернационализми руҳида тарбияланган Ленин комсомоли ва барча совет ёшлари демократик ёшларнинг бутун дун'ёда тинчлик учун олиб бораётган олижаноб курашида доим уларнинг авангарди бўлиб қоладилар.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети ишонч билдириб айтадики, ўз сафларида коммунистик жамият қуручи ёшлардан 18 миллиондан ортиқ кишини бирлаштирган комсомолимиз коммунизм ғалабаси учун курашда бундан буён ҳам партиянинг содиқ ёрдамчиси бўлиб қолади, совет халқи ва социалистик Ватан олдидаги ўз муқаддас бурчини шараф блан бажаради.

Яшасин Бутуниттифоқ Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи!

Яшасин шонли совет ёшлари!

Яшасин бизнинг улуғ социалистик Ватанимиз!

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ.

Бутун совет халқи СССР Олий Советига сайлов ўтказучи Марказий сайлов комиссиясининг ахборатини зўр хурсандчилик блан кутиб олди

☆ ☆ ☆

Коммунистлар блан партиясизлар блокининг буюк ғалабаси

Сталин номидаги Тошкент тўқимачилик комбинатининг кўпминг кишилик коллективи СССР Олий Советига сайлов ўтказучи Марказий сайлов комиссиясининг умумхалқ овоз беришининг якунлари тўғрисидаги ахборотини баланд руҳ блан кутиб олди.

Юзларча агитаторлар комбинат фабрикаларида ахборотни ўқиб эшитдирмоқдалар. Цехларда қизғин суҳбатлар бўлаётир.

— Давлат ҳокимиятининг олий органига ўтказилган сайлов, — деди мастер ёрдамчиси ўртоқ Насриддинов, — совет халқининг жонажон Коммунистик партия теварагига жипслашганлигининг ғоят зўр намойишига айланди. Коммунистлар блан партиясизлар блокининг янги ажойиб ғалабаси меҳнат соҳасида янги-янги муваффақиятларга руҳлантиради. Бугун бизнинг комплектимиздаги тўқучилар коллективи тежалган ипдардан топшириқ қа қўшимча равишда ўнларча метр газлама тўқиб чиқарди.

Ишчи ўртоқ Яковлева бундай деди:

— СССР Олий Советига бўлиб ўтган сайлов совет кишиларининг Коммунистик партия ишига чексиз содиқ бўлганликларини бутун дун'ёга яна бир марта намойиш қилиб кўрсатди, ҳаммамизнинг мақсадимиз, тилагимиз — севикли Ватанимизнинг куч-қудратини мустаҳкамлаш, совет кишиларининг ҳаётини янада қувончлироқ ва ғўзалроқ қилишдир. Умумхалқнинг улуғ ғалбасига жавобан аҳоли учун маҳсулот ишлаб чиқаришни янада кўпайтиришни таклиф қиламан.

Сталин номидаги тўқимачилик комбинатининг коллективи сайловолди мусобақаси кунларида эришилган ютуқларни мустаҳкамлашга, Биринчи Май байрами шарафига мавжуд машина-ускуналарда тежалган хомаш'ёдан газламалар, ишлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга якдиллик блан қарор қилди. (ЎзТАГ).

СОВЕТ ДЕМОКРАТИЯСИНИНГ ЗЎР ТАНТАНАСИ

Сталин номидаги Тошкент кўнчилик заводи цехларида СССР Олий Советига сайлов ўтказучи Марказий сайлов комиссиясининг ахборотига бағишланган суҳбатлар ўтказилмоқда. Коммунистлар блан партиясизлар халқ блокининг тўла ва танҳо ғалаба қилганлиги тўғрисидаги хабар ишчиларни ниҳоятда қувонтирди ва фахрлантирди.

— СССР Олий Советига ўтказилган сайловнинг якунлари, — деди пардоз цехининг ишчиси Леонтий Дмитриевич Извенков, — совет кишиларининг енгилмас ма'навий-сиёсий бирлигини бутун дун'ёга яна бир марта намойиш қилиб кўрсатди. Совет халқи депутатликка кўрсатилган кандидатлар учун якдиллик блан овоз бериб, жонажон Коммунистик партияга ва Совет ҳукуматига бўлган чексиз садоқатини яна бир марта исботлади. Ишлабчиқариш планларини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақани янада кенгайтирайлик ва шу блан севикли Ватанимизнинг куч ва қудратини янада мустаҳкамлайлик!

Суҳбат вақтида пардозлаш цехининг разводчиги Раҳмат Эшматов бундай деди:

— Сайловнинг якунлари тўғрисидаги ахборот ҳарбир совет кишисини меҳнатда янги ютуқларга эришишга руҳлантиради. Сайловолди вахтаси кунларида мен ҳар куни топшириқни камида 140 процент бажариш ва фақат а'ло сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш мажбуриятини олган эдим. Мен бу мажбуриятни бажардим. Бундан кейин янада яхшироқ ишлашга, ҳар куни кам деганда бир ярим норма бажаришга ва'да бераман.

(ЎзТАГ).

Совет тузумининг енгилмас кучи

Москва меҳнаткашлари СССР Олий Советига сайлов ўтказучи Марказий сайлов комиссиясининг ахборотини катта қониқиш ҳислари блан қутиб олдилар. Сайлов якунлари фабрикаларда, заводларда, муассасаларда қизғин муҳокама қилинмоқда.

«Серп и молот» заводининг коллективи коммунистлар блан партиясизлар халқ блокининг янги ғалабасини ифтихор ҳислари блан қутиб олди. Биринчи мартен цехининг пўлат эритучиси, сайловолди социалистик мусобақаси кунларида 80 тоннадан ортиқ пўлат эриттан ўртоқ Гребешков бундай деди:

— Биз партиянинг ва халқнинг муносиб вакиллари учун хурсандчилик блан овоз бердик. Сайлов шарафига ҳарбиримиз меҳнат соҳасидаги янги муваффақиятлар блан Ватанни қувонтиришга интилдик. Бу йил бригадамиз қуюлмаларнинг ярмидан кўпини жадал усул блан эритишга қарор қилди. Бу нарса саноатни ва қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш ишига қўшадиган ҳиссамиз бўлади.

Пўлат эритучи ўз сўзларини амалий иш блан мустаҳкамламоқда. 18 мартда у навбатдаги қуюлмани графикда белгиланганидан илгари чиқарди.

Илғор машинист ўртоқ Александров Москва—Рязань темир йўлининг Москва—Сортировочная депосига навбатдаги сафардан қайтиб келди. У ўз бригадаси блан поездни графикдан 1 соату 16 минут илгари пойтахтга олиб келди. Машинист ойнинг охиригача оғир вазнли 10 поездни ҳайдаб келишга паровоз бригадаси номидан ва'да берди.

— Бу СССР Олий Советига бўлиб ўтган сайловда коммунистлар блан партиясизлар блокининг ажойиб ғалабасига бизнинг жавобимиз бўлади,—дейди машинист.

Шу кунларда Москва узелининг кўп тўмирйўлчилари оширилган социалистик мажбуриятлар олмоқдалар.

«Красний пролетарий» заводининг станоксозлари овоз бериш якунлари тўғрисидаги ахборотни фахр блан муҳокама қилмоқдалар. Тушки овқат танаффуслари да завод цехлари ва бўлимларида газета ўқиб берилмоқда ва суҳбатлар ўтказилмоқда. Завод коллективи ишлабчиқаришда янги ғалабалар блан Ватанни қувонтиришга қарор берди. (ТАСС).

Порлоқ якунлар

ЛЕНИНГРАД, 18 март. (ТАСС). Бугун шаҳар корхоналарида, областьнинг колхоз, МТС ва совхозларида СССР Олий Советига бўлиб ўтган сайловнинг порлоқ якунлари қизғин муҳокама қилинмоқда.

Киров заводи цехларида кўп суҳбатлар ўтказилди. Механика цехида бригада бошлиғи ўртоқ Казаков суҳбат вақтида бундай деди:

— Совет халқи ўзининг жонажон партияси блан чамбарчас боғлангандир. У партиянинг доно раҳбарлигини Ватанимизнинг янада гуллаб-яшнаши, меҳнаткашлар моддий фаровонлигининг ва маданий савиясининг юксалиши учун ғаров деб билади. Шунинг учун ҳам биз халқ блоки учун якдиллик блан овоз бердик. Бу блокнинг ғалабаси—СССР даги ҳамма халқларнинг Коммунистик партия ва Совет ҳукумати теварагига маҳкам жипслашганлигининг ёрқин ифодасидир.

Сайлов ўтказучи Марказий сайлов комиссиясининг ахборотн янги меҳнат ғайратини вужудга келтирди. Дастлабки уч ойлик программани муддатидан илгари бажарган механика цехининг коллективи ой охиригача квартал планидан ташқари «С-90» тракторлари учун 1500 та блок головкалари ишлаб чиқариш мажбуриятини олди.

Шу кунларда «Красное знамя» трикотаж-пайпоқ фабрикасининг коллективи ҳам баланд руҳ блан меҳнат қилмоқда. Квартал планидан ташқари 210 минг жуфтдан знёдроқ пайпоқ, трикотаж буюмлар ишлаб чиқарилди. Бугун барча цехларда агитаторларнинг суҳбатлари ўтказилди. Бу корхоналарнинг неча ўнлаб бригадалари ва участкалари кунлик топшириқни анча ошириб бажардилар.

Партия, ҳукумат ва халқнинг мустаҳкам бирлиги

ОЛМАОТА, 18 март. (ТАСС). Олмаота шаҳридаги фабрика ва заводларнинг цехларида, ўқув юртларида, муассасаларда СССР Олий Советига сайлов ўтказучи Марказий сайлов комиссиясининг ахборотига бағишланган суҳбатлар ўтказилди.

Олмаотадаги оғир машинасозлик заводининг иккинчи механика-йиғиш цехида қизғин суҳбат бошланиб кетди.

— Коммунистлар блан партиясизлар халқ блокининг ғалабаси,—деди мастер ўртоқ Кузнецов,—партия, ҳукумат ва халқнинг мустаҳкам бирлигини кўрсатадиган ёрқин далилдир. Мамлакатимиз меҳнаткашлари Коммунистик партиянинг ва Совет ҳукуматининг доно сиёсатини бутунича ва тўла равишда ма'қулламоқдалар. Совет кишилари партиянинг раҳбарлиги остида эришилган ажойиб муваффақиятлар блан фахрланмоқдалар.

Олмаотадаги трикотаж фабрикасининг ишчиси ўртоқ Аралбаева бундай деди:

— Мен коммунистлар блан партиясизлар блокининг кандидатлари учун овоз бердим. Менинг бутун турмуш тажрибам коммунистлар блан партиясизлар блокининг кандидатлари халқнинг содиқ хизматкорлари эканлигини менга билдириб турибди. Бизнинг партиямиз учун оддий кишилар бахт-саодати тўғрисида ғамхўрлик қилишдан юксак ғамхўрлик йўқ. Биз, трикотажчилар партия томонидан қўйилган улуғ вазифаларни тезроқ бажариш учун янада яхшироқ, янада унумлироқ меҳнат қиламиз.

Фабрика цехларида биринчи квартал программасини муддатидан олдин бажариш учун мусобақа янада кучаймоқда.

Кўкламги дала ишларини оммавий равишда кучайтириб юборайлик

СССР Министрлар Совети ва КПСС Марказий Комитетининг «Ўзбекистон ССРда 1954—1958 йилларда пахтачиликни янада ривожлантириш ҳақида»ги қарори барча пахтакорларнинг, партия, совет ташкилотлари ва қишлоқ хўжалиги органлари ходимлари зиммасига шараф ли ва мас'улиятли вазифа юклайди. Бутун жамиятнинг доимо ўсиб бораётган талабини максимал даражада қондириш, мамлакатни қишлоқ хўжалик маҳсулотлари блан мўл-кўл қилиш ва совет халқининг моддий-маданий фаровонлигини юксалтириш манфаатлари энг зарур хомаш'ё бўлган пахтани тобора кўпроқ етиштиришни талаб этади.

Шу йилнинг ўзидаёқ Ўзбекистонда 3 миллион тонна пахта етиштирилиши керак. Ана шу пахтанинг талай қисмини республикамизнинг энг йирик ва пойтахт области — Тошкент воҳасининг колхоз ва совхозлари етиштириб берадилар. Областимиз олдига пахтачиликни ривожлантириш юзасидан қўйилган вазифани муваффақиятли бажариш учун барча имкониятларга эгамиз. МТСлар паркидаги кучли механизмлар, колхоз ва совхозлардаги катта резерв ва ресурслар йирик ҳажмдаги ишларнинг ўз вақтида бажарилишини та'минлайди.

Социалистик қишлоқларимизга партиянинг чақириғи блан неча минглаб агроном'лар, механизаторлар, зоотехниклар, сув хўжалиги ходимлари ва бошқа ихтисосга эга бўлган кишилар келди. Булар 1954 йилда пахтачиликни ва қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларини кескин суратда ривожлантиришда муҳим роль ўйнайдилар. Қишлоқ хўжалиги мутахассислари совет агробиология фани муваффақиятларини ва илғорлар тажрибасини колхоз ва совхозларнинг ишлабчиқаришига жорий этучи ташкилотчилардир.

Пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари етиштириш юзасидан белгиланган планларни муваффақиятли бажариш учун ҳозирги кунларда мустаҳкам замин яратмоқ керак. Бунинг учун кўкламги дала ишларини ҳамма жойда оммавий равишда кучайтириб юбориш зарур. Чигит ва бошқа экинларни қисқа муддатларда агротехника қоидалари асосида сифатли экиб олиш — мўл ҳосил етиштиришнинг муҳим шартидир. Ҳозирги пайтда партия ва совет ташкилотлари, қишлоқ хўжалик органлари, колхоз, совхоз ва МТСлар олдида турган вазифа — тез кун ичида ер ҳайдашни тугаллаб, экишни кучайтириб юборишдир.

Ма'лумки, ўтган йил йиғим-теримнинг кечиктириб юборилиши орқасида экин майдонларининг талай қисми ғўзапоядан тозаланмай қолди. Бунинг устига кузги шудгорлаш плани областимизнинг деярлик ҳамма районларида бажарилмади. Демак, бу йилги кўкламги дала ишларининг ҳажми анча каттадир. Бу нарса барча ишларни моҳирлик блан қисқа муддатларда бажаришни, моддий-техника воситаларидан, ички ресурслардан тўла фойдаланишни талаб этади.

Аммо кунлар жўнашиб, кўп жойларда ер етилганлигига қарамай, далаларни ғўзапоядан тозалаш, ҳайдаш, маҳаллий ўғит чиқариш, суғориш тормоқларини тозалаш, минерал ўғитларни ташиб келтириш жуда кўп районларда қониқарсиз бормоқда. Областьда экин майдонларининг эндигина ярми ҳайдалди. Пахта майдонларини экишга тайёрлаш юзасидан белгиланган топшириқ шу йилнинг 15 мартигача 50 процент миқдорида бажарилди. Областьнинг Янгийўл, Чиноз, Ховос, Октябрь, Мирзачўл, Оққўрғон, Верхне-Волинск районлари ерларни экишга тайёрлашда ниҳоятда кейинда қолмоқдалар. Пискент, Ховос, Мирзачўл районларидаги айрим колхозларда ғўзапоялар ҳозиргача йиғиштириб олингани йўқ.

Мана бу фактлар областимизда кўкламги экишга тайёргарлик ҳаддан ташқари кечиктирилаётганлигини, бу нарса мўл ҳосил учун кураш соҳасидаги ишимизга катта зарар етказиш хавфини туғдирганлигини кўрсатиб турипти. Вазифа — ана шу қолоқликни тезда битиришдир. Партия ташкилотлари кўклам экиш кампаниясига раҳбарликни кучайтиришлари, колхоз ва совхозларда дала ишларининг боришини системали контроль қилиб туришлари, қишлоқ хўжалик кадрларида, МТС ходимлари, совхоз директорлари, колхоз правлениелари раисларида мас'улият ҳиссини кучайтиришлари керак.

Ўтган йилларда бўлгани каби ҳозирда ҳам кам ҳосилли, қолоқ колхозлар кўкламги экишга тайёргарлик кўришда кейинда қолмоқдалар. Айрим район партия комитетлари қолоқ колхозларга раҳбарлик қилишдаги юзакичилик, сансаларлик, расмиятчилик ҳолларига хотима берганлари йўқ. Октябрь районидаги Энгельс номли, Молотов номли, Сталин номли колхозлар ҳозиргача сугориш тормоқларини тартибга солмоқдалар, минерал ўғит ва уруғлик чигитни ташиб келтирмаганлар, ернинг маҳсулдорлигини оширишга қаратилган агротехника тадбирларини амалга оширмаётирлар, меҳнатни уюштиришда катта камчиликларга йўл қўймоқдалар. Ана шундай бўлгани ҳолда район партия комитети қолоқ колхозларнинг ташкилий ишидаги жиддий нуқсонларни битириш учун конкрет ва амалий иш кўрмаётир. Ана шу колхозларга хизмат қиладиган МТС зонасидаги район партия комитетининг секретари ўртоқ М. Каримов қолоқлик сабабларини ўрганиш ва бу қолоқликни тугатиш учун колхозлардаги мавжуд кучларни сафарбар этиш ўрнига ба'зан правление йиғилишлари ва партия мажлислари ўтказиш блан ва бу йиғилишларда расмият учун қарорлар қабул қилиш блан банд бўлмоқда.

Колхозларга раҳбарлик қилишдаги бундай юзакичиликка қат'ий барҳам бериш керак. Қолоқ колхозларни ташкилий-хўжалик жиҳатдан мустаҳкамлаш соҳасидаги вазифалар КПСС Марказий Комитетининг сентябрь ва март Пленумлари қарорларида бирма-бир кўрсатиб берилгандир. Партияли раҳбарнинг бурчи ана шу қарорларда белгиланган тадбирларни изчиллик блан амалга ошириш, колхозларга системали ва оператив раҳбарликни та'минлашдир.

Кўкламги дала ишларининг муваффақияти қишлоқдаги давлат корхонаси — машина-трактор станциясининг иш фаолиятига боғлиқ. Ҳарбир трактордан унумли фойдаланиш — механизаторнинг бурчидир. Ҳарбир трактор чи, бригада механиги машиналарнинг бир ме'ёрда доим яхши ишлашини та'минлаши зарур. Ер ҳайдаш ва экиш юзасидан белгиланган топшириқни тўла ва ошириб бажариш — механизаторлар ўртасида давом этаётган мусобақада асосий мақсаладир.

Экиш олдидан тупроқнинг табиий намини сақлаб қолиш — чигитнинг биртекисда соғлом униб чиқишига қанчалик фойда етказганлигини пахтакорларимиз ўз тажрибаларида синаб билдилар. Экиш майдонларини ер етилиши блан бороналаш—тупроқда намни сақлаб қолишнинг асосий воситасидир.

Экиш олдидан қилинадиган ишлар хилма-хил ва жуда мураккабдир. Бу даврда ҳарбир иш бир-бирига маҳкам боғланган ҳолда олиб борилиши керак. Минерал ўғитларни ташиб келтириш, уруғлик чигитларни ҳозирлаш, далага маҳаллий ўғит чиқариш—шу кеча-кундузда қилиниши зарур бўлган ишлардир.

Қишлоқ хўжалигининг қудратли моддий-техника базасига эга бўлиши кўкламги экишни қисқа муддатларда юқори сифатли ўтказиш учун гаровдир. Ана шу кучли базадан, барча резервлардан тўла фойдаланиш, қишлоқ меҳнаткашларининг сиёсий активлиги ва меҳнат фаолиятини юксалтириш, колхозчилар, совхоз ишчилари, қишлоқ хўжалик мутахассислари ва механизаторларнинг оммавий мусобақасини кучайтириб юбориш—партия ташкилотларимизнинг муҳим вазифасидир.

Ҳамма жойда кўкламги дала ишларини оммавий равишда кучайтириб юборайлик, чигит ва бошқа экинларни энг қулай муддатларда экиб олишга эришайлик.

ПАХТАКОР КОЛХОЗЧИЛАРНИНГ УРУҒЧИЛИК СОҲАСИДАГИ ЯНГИ ТАЖРИБАСИ

Бутуниттифоқ Пахтачилик илмий-текшириш институти колхоз уруғчилигининг илғор тажрибасини умумлаштирди. Тошкент область, Орджоникидзе районидаги қишлоқ хўжалик артельлари тажрибакор пахтакорларининг ишларига олимлар томонидан юксак баҳо берилди. Бу пахтакорлар институтнинг Марказий селекция станцияси ходимлари блан биргаликда уруғлик чигитни тайёрлашнинг янги усулини қўлландилар. Бу усул чигит сифатини анча яхшилашга имкон беради.

Шу колхозларда умумий майдоннинг қарийб 20 проценти миқдорида энг маҳсулдор ерлар кузда ёки кўкламда уруғлик участкалари учун ажратиб қўйилади. Бу далалардаги ғўзаларни махсус ажратилган уруғчилик бригадалари илғор агротехника асосида парвариш қиладилар.

Институт Орджоникидзе районидаги колхоз уруғчиларининг тажрибасини республиканинг барча пахтакор колхозлари ва совхозларида кенг равишда қўлланиш учун тавсия қилади. (ЎзТАГ).

ВЦСПС XIII ПЛЕНУМИ

18 мартда Москвада Союзлар Уйининг Колонна залида ВЦСПС нинг XIII пленуми очилди.

КПСС Марказий Комитети Пленумининг «Мамлакатда ғалла етиштиришни янада кўпайтириш тўғрисида ҳамда қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш ҳақида»ги қарорини бажариш соҳасида касаба союзларининг вазифалари тўғрисида ВЦСПС раиси ўртоқ Н. М. Шверник доклад қилди.

ВЛКСМ XII С'ЕЗДИНИНГ ОЧИЛИШИ

19 мартда Москвада, Катта Кремль саройида ВЛКСМнинг XII с'езди очилди.

С'езднинг очилиши тўғрисидаги кенг ҳисобот газетамизнинг навбатдаги сонида босилади.

КПСС Марказий Комитетининг яқинда бўлган Пленумнинг «Мамлакатда ғалла етиштиришни янада кўпайтириш тўғрисида» чиқарган қарорини Ўзбекистон пойтахтининг комсомол-ёшлари зўр ватанпарварлик ҳисси блан кутиб олдилар. **Суратда:** (чапдан) биринчи эшалонини Тошкент вокзалидан қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш учун кетаётган комсомол-ёшларнинг Шимолий Қозоғистонга жўнатиш марасими. Поезд тантанали вазиятда жўнамоқда.

А. Палехов ва В. Салов фотоси.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

Комсомолга раҳбарлик—партия ташкилотининг муҳим иши

Ўртачирчиқ район комсомол ташкилоти ҳисобида бирнеча минг комсомол а'зоси бор. Улар қишлоқ ёшларини коммунистик руҳда тарбиялаш, хўжалик ва сиёсий вазифаларни амалга оширишда партия ташкилотларининг жанговар ёрдамчиси бўлиб хизмат қилмоқдалар.

Ангор қишлоқ советидаги «Ленин йўли» колхозининг комсомол ташкилоти (секретари ўртоқ Эргашев) янги ерларни ўзлаштиришда ёшлар ташаббусига етакчилик қилмоқда. Бу ташкилот ҳисобидаги 78 комсомол а'зоси колхоз хўжалигининг муҳим тармоқларида, айниқса пахтачилик ишида фидокорона меҳнат қилиб, бошқа ёшларга намуна бўлмоқдалар.

Колхоз партия ташкилоти (секретари ўртоқ Эшпўлатов) комсомол ташкилоти ишига изчиллик блан раҳбарлик қилиб келмоқда. Партия йиғилишида комсомол ташкилотининг иши муҳокама қилинди. Унда колхозчи ёшлар ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни кучайтириш, пахтакор комсомол ва ёшлар ўртасида социалистик мусобақани кенг уюштириш тадбирлари белгиланди. Партия йиғилишининг бу қарори колхозда комсомол ташкилотининг иш фаолиятини янада кучайтиришга, ёшлар ўртасида кўклам дала ишларига тайёргарликни қизитишга сабаб бўлди.

Ўртачирчиқ 1-нчи МТСи бошланғич комсомол ташкилоти ўз ишини кейинги вақтларда бирмунча мустаҳкамлади. Комсомол ташкилотининг секретарьлигига ёш агроном ўртоқ С. Абдуллаев сайланди. Колхоз комсомол ташкилоти ҳисобида турган механизатор ва тракторчилар МТС комсомол ташкилоти ҳисобига келдилар. Ҳозир бу ташкилотда 55 комсомол а'зоси бор. Шу МТС зонаси бўйича район партия комитетининг секретари ўртоқ Қ. Исломов комсомол ишига бевосита раҳбарлик қилаётир. У комсомол йиғилишларига иштирок этади, ёшларнинг талаб-эҳтиёжларига э'тибор қилади. Шунинг натижасида трактор ремонтида комсомол ва ёшлар актив қатнашиб, социалистик мусобақада олдинда бормоқдалар.

Район комсомол ташкилоти иш фаолиятида йўл қўйилган камчиликлар ва комсомол ишига партия раҳбарлигининг сust бўлганлиги тўғрисида район партия ташкилотининг конференциясида жиддий танқидий мулоҳазалар бўлган эди. Лекин, райондаги ба'зи бошланғич партия ташкилотлари конференциянинг бу танқидларидан тегишли хулоса чиқариб олмаганлар. Шунинг натижасида комсомол ишига раҳбарлик қилишни ҳамон унутиб қўймоқдалар. Маленков номли колхоз бошланғич партия ташкилотининг секретари ўртоқ Қодиров комсомол ишлари блан мутлақо қизиқмайди. Бу колхозда анча вақтдан буён бошланғич комсомол ташкилотининг секретари йўқ. Шу вақтгача комсомол иши партия йиғилишида бирор марта муҳокама қилинмади. Ўртоқ Қодиров колхозчи ёшлар ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни кучайтириш учун комсомол ташкилотининг фаолиятини яхшилашга э'тибор бермай келади. Бундай аҳволлар Андреев ном'ли колхоз бошланғич партия ташкилоти фаолиятида ҳам мавжуддир. Бу колхоз партия ташкилотининг секретари ўртоқ Айнақулов комсомол ташкилоти иши блан шуғулланишга «вақт тополмай» юрипти. Бу ерда комсомол ташкилотининг иши ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Комсомол йиғилишлари ўз вақтида бўлиб турмайди. Ёшлар учун қизиқарли лекциялар ва суҳбатлар ўтказилмайди.

Юқорида кўрсатилган камчиликлар райондаги Карл Маркс номли ва Энгельс номли колхоз партия ташкилоти ишида ҳам рўй бермоқда.

Район партия комитетининг ташкилот ва инструкторлик бўлими мудири ўртоқ С. М. Басиканов район комсомол ташкилоти ишига яқиндан қатнашмайди. Ҳатто бюро йиғилишларида ҳам жуда кам бўлади.

— Мен комсомол раҳбарлик ишига янги кўтарилганман — дейди район комсомол комитетининг секретари ўртоқ М. Раҳимова, — лекин иш даврида менга яқиндан ёрдам ва раҳбарлик қилмайдилар. Ҳали район партия комитетининг секретарьлари бирон марта комсомол иши тўғрисида мен блан суҳбат ўтказганлари йўқ. Фақат бирон топшириқ блан қишлоқларга юборишга зарур бўлгандагина чақирадилар.

Райком бюросида кейинги вақтларда комсомол ишига оид масала муҳокама қилинмади. Бошланғич партия ташкилотларининг комсомол ишига раҳбарлик масаласи ҳам бюро йиғилишида кўрилмади.

Бу аҳволлар бошланғич партия ташкилотларининг комсомол ишига раҳбарлик фаолиятига ҳам салбий та'сир қилаётир. Район партия комитетининг МТС зонасидаги инструкторлари Мирсолиҳов, Шоимова, Головгин ўртоқлар жойларда комсомол иши блан қизиқмайдилар, партия ташкилотларининг комсомол ташкилотларига изчил раҳбарлик қилишини та'минлаш юзасидан ташкилий ишларни жуда кам олиб борадилар.

Комсомол ташкилотига системали ва изчил раҳбарлик қилиш партия ташкилотларининг энг муҳим ишидир. Ўртачирчиқ район партия комитети бу соҳадаги ўз фаолиятини кучайтириши керак.

Т. ОРИПОВ.

«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

Партия маорифига аҳамият берилмаётир

Кеч соат 7. Партия мактабида дарс бошланадиган вақт бўлди. Айрим тингловчилар дафтар ва китобларини қўлтиқлаб кириб келмоқда. 7 дан 15 минут ўтганда ўзбек тили группасига йўқламадаги 22 кишидан 11 киши, рус группасига эса 22 тингловчидан 6 киши кириб келди. Лекин ўзбек группасида дарс беручи пропагандист ўртоқ Самадовдан ҳамон дарак йўқ эди. Ўқучилар ўзаро анча аския қилдилар. Бу ҳам тамом бўлди. Тингловчилар пропагандистни кута-кута зериқиб, кетишга тайёрланаётганларида ўртоқ Самадов кириб келди. Тингловчилар ҳаракатга тушиб қолишди. Бири карта қидирди, яна бири мих ахтарди, учинчиси эса михни қоқиш учун тош қидирабошлади. Кимдир чирог келтирди.

Машғулот бошланди. Ўртоқ Самадов географиядан «Ҳинди-Хитой ва Индонезия» деган темадаги машғулотни хаспаш дегунча тамом қилди. Бу тема юзасидан берилган саволларга ўртоқ Самадов тўла жавоб бераолмади, чунки у география ўқитувчиси эмас, балки адабиёт ўқитувчиси эди.

Биз машғулот ўтказилган бу хонадан райком секретарининг қабулхонасига чиққанда, рус группасидаги 4 соатлик дарс бир соатда тамом бўлган эди. Партия тарихидан дарс беручи пропагандист ўртоқ Русанова 6 киши машғулотга келган ҳолда, нимагадир 9 киши иштирок этди, деб ёзиб қўйган. Шу куни райком ходимларидан Х. Усмонов, Шукурова, Мингалиев ўртоқлар машғулотга келмадилар. Бундай ҳол бир бўлмади. Икки группада ҳам кўп кишилар машғулотларга мунтазам равишда қатнашмайдилар. Бири келганда, иккинчиси келмайди. Лекин бундай партия а'золарига район партия комитети эҳтиёжсизлик кўрсатмайди. Пропагандистлар эса машғулотларга келмаган кишиларни ҳам «келди» деб қайд қиладилар.

Пискент район партия комитетининг бюроси партия маорифи шоҳобчаларида машғулотларни яхшилаш, пропагандистлар иши устидан контрольлик қилиш ва улар блан тез-тез семинарлар ўтказишга э'тибор бермаётир. Район партия комитети яқинда машғулотларга давомат ҳақидаги масалани бюро мажлисида муҳокама қилиш юзасидан материаллар тайёрлади. Лекин ўша куни машғулотларга қатнашмай юрган айрим коммунистлар келмаганлиги учун бу масала бюрода муҳокама қилинмай қолди. Интизомсизлик қилиб, машғулотларга кўп вақт келмаётган райком ходимлари Усмонов, Мингалиев каби ўртоқларга ҳам эҳтиёжсизлик бўлмадик.

Районда партия маорифи шоҳобчаларида машғулотларнинг юқори савияда ўтмаслигига сабаб шуки, райком ходимлари жойлардаги сиёсий ўқиш тўгаракларида бўлмайдилар. Райкомнинг агитация-пропаганда бўлим мудири ўртоқ Қувандиқов ҳам бу иш блан шуғулланмайди. Райком секретарьлари сиёсий ўқиш тўгаракларининг ишини пропагандист ўртоқ Н. Камтева топшириқ қўйиш блан чегараланиб қолганлар. Ўртоқ Ким бу муҳим ишга мас'улиятсизлик блан қараб, жойларда машғулотларга қанча киши қатнашганини ва қайси темалар ўтилаётганлигини фақат телефон орқали сўраб олиш блан қаноатланиб келмоқда.

Пискент районида коммунистларнинг сиёсий билимларини оширишга, уларни марксизм-ленинизм ғоялари блан қуроллантиришдек муҳим ишга ана шундай мас'улиятсизлик блан қарамоқдалар.

Б. ҲАЛИЛОВ.

Партия группаси ташкилотчиларининг иш тажрибалари оммалаштирилмоқда

Сталин номидаги Тошкент тўқимачилик комбинатида 78 та партия группаси ишлаб турибди. Бу партия группалари кенг иste'мол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, уларнинг сифатини яхшилаш учун тўқимачилар ўртасида социалистик мусобақанинг ҳақиқий ташкилотчилари бўлиб қолдилар. Комбинатнинг партия комитети партия группа ташкилотчиларига ҳар куни амалий ёрдам бериб келмоқда, улар блан кенгашлар ўтказмоқда, уларга йўл йўриқлар бериб турмоқда.

Яқинда партия группалари ташкилотчиларининг навбатдаги семинари ўз ишини тамомлади. Семинар иш тажрибаларини олмашишга бағишланган эди. Биринчи тўқув фабрикаси тўқув цехи партия группаси ташкилотчиси ўртоқ Шушакованинг сўзи ҳаммани қизиқтирди. Бу цехда партия группаси тўқучиларнинг социалистик мажбуриятларини бажариши блан боғлиқ масалаларни мунтазам суратди мухокама қилиб туради, цехнинг ишини чуқур равишда ўрганиб боради, илғор тўқучиларнинг тажрибасини усталик блан умумлаштиради ва ёяди, биринчи сорт маҳсулот ишлаб чиқаришни қўлайтириш учун тинмай кураш олиб боради. Йил бошидан бери цех коллективи топшириқдан ташқари 25 минг метрдан кўпроқ газлама тўқиган. Партия группаси коммунистларнинг ва партиясиз активларнинг ғоявий-сиёсий савиясини юксалтириш ҳақида ғамхўрлик қилмоқда.

Семинар ишида «Таштекстильмаш», Карборунд заводи, пойафзал фабрикаси ва Фрунзе районидаги бошқа корхоналарнинг партия группаси ташкилотчилари қатнашдилар. (ЎзТАГ).



СССР Олий Советига сайлов ўтказучи Марказий сайлов комиссиясининг сайлов якунлари тўғрисидаги ахборотидан бениҳоя рухланган «Ташсельмаш» заводининг хотин-қизлари социалистик мусобақани давом этдириб, меҳнат вахтасида фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Парматовчи Е. И. Кальягина СХМ-48 М ва УПХ-1,5 машиналари учун деталь ва запас қисмлар тайёрлашда кунлик нормасини 250 процентдан ошириб бажармоқда. **Суратда: Е. И. Кальягина** ўз станоги ёнида.

Б. Мазур фотоси.

(ЎзТАГ фотохроникаси).

Ёшлик қўшиқлари

Ленинчи комсомол—жанговар отряд!
Юрагим сен блан доим ҳамнафас.
Порлоқ келажагинг, истиқболингни
Жаҳонинг ёшлари қилади ҳавас.
Асл фарзандисан партиямизнинг,
У сени бир умр бахтга йўллади.
Мардликка ўргатиб, қўлатий тоблаб,
Ҳарбир зафарингни қалбдан қутлади.
Меҳнатда, курашда, фан гулшанида
Ватанга шарафу, шон олиб келдинг.
Каналлар қазидинг, ГЭСлар яратдинг,
Сахролар бағрига жон олиб келдинг.
Узоқ Амурдаги Комсомольск —
Улуғ азминг каби кўринар мағрур.
Сени тақдирлади жонажон Ватан:
Кўксингда тўрт орден сочиб турар нур.
Олег, Зояларни сен етиштирдинг
Тарихнинг шарафли, мазмунларга бой.
Миллионлар қаторн бахтлиман мен ҳам,
Пўлат сафларингдан ололганман жой
Кремль маш'али ёритган йўлдан
Ғолиб бормоқдасан шонли комсомол!
Асл фарзандисан партиямизнинг
Халқимиз истаги: доим омон бўл.
Олтой Улкасининг, Волга бўйнининг...
Дашту чўлларини обод этгали,
Олтин ғаллазорлар, ямяшил боғлар —
Халқларнинг орзусин бунёд этгали,
Партия чақирди: отландинг яна
Муқаддас ва улуғ янги сафарга.
Оқйўл тилаб дер: Советлар халқи —
Тарихнинг бурксин шонга, зафарга.
Ленинчи комсомол — жанговар отряд!
Юрагим сен блан доим ҳамнафас.
Порлоқ келажагинг, истиқболингни
Жаҳонинг ёшлари қилади ҳавас.

Усмон ЖОНГИТОВ.

ТАНҚИД ВА БИБЛИОГРАФИЯ

„Бўл тайёр!“ тўплами ҳақида

Ўзбекистон ССР Давлат нашриёти шоир Пўлат Мўминнинг «Бўл тайёр!» номли янги ше'рлар тўпламини нашр этди.

Ўрта ёшли болалар учун мўлжалланган «Бўл тайёр!» ше'рлар тўпламининг тематик доираси анча кенгдир. Унда мактаб ҳаёти темаси, совет ўқучиларининг ўзаро дўстлик ва ҳамкорлик, ватан ва меҳнат, бахтиёрлик ва тинчлик, бурч ва ахлоқ, фан ва ҳунарни эгаллаш темалари марказий ўринни эгаллаган.

Шоир тўпламдаги «Вожатий опамиз» ше'рида вожатийнинг мактаб ҳаётида, пионерлар ўртасида тутган ўрнини, «Шарафли бурчимиз» ше'рида ҳаммавақт а'ло ўқишни ўзларининг шарафли бурчи деб билган ўқучиларнинг орзу ва умидларини ифодалайди. «Бугун-биринчи сентябрь» ше'рида эса ёшларнинг мактабга ва илм-фанни эгаллашга бўлган оташин муҳаббати тараннум этилади.

Тўпламдаги «Обод ўлкам», «Тартибли сарфла вақтни», «Сўзлайди пионер Болтабой», «Уста Усмон», «Шахтёр», «Йўлчи-ботир-тракторчи» каби ше'рларда ёшлар ҳунар ўрганишга, ҳарбир қимматли минутдан унумли фойдаланишга да'ват этилади.

Лекин тўпламга кирган ше'рларнинг ҳаммасини ҳам пухта ишланган, мазмунан чуқур ше'рлар деб бўлмайди. Унда ижобий томонлари юқорида қайд қилиб ўтилган ва ҳартомонлама дурустишланган кўпгина ше'рлар блан бирга, ҳали мазмунан саёз, бадиий савияси паст, кўпроқ натурани оддийгина баён қилиш блангина чекланган ше'рлар ҳам бор. Шоир бундай ше'рларда, асосан, ташқи манзараларни тасвирлаш, табиат ҳодисаларини ва детальларни бирма-бир санашдан нарига ўтмайди, воқианинг ички моҳиятига кириб бормайди. Бу камчилик унинг «Канал соҳилида», «Ёз завқлари», «Меҳнат эртаси», «Отряд келар, янграр сигнал», «Имтиҳон тонгида» ше'рларида учрайди.

Бундан ташқари, тўпламдаги кўпгина ше'рларда стилистик камчиликлар ҳам мавжуддир. Ма'лумки, ше'рда бу хилдаги камчиликларга йўл қўйилиши, сатрларнинг пухта ишланмаслиги ва улардаги сўзларнинг ўз ўрнида мақсадга мувофиқ ишлатилмаслиги ше'рнинг бадиий қимматига путур етказади, айтилмоқчи бўлган фикрнинг аниқ бўлиши ва китобхонларга тўла етиб боришига имкон бермайди.

Шунингдек, тўпламда «Иссиқ сувга чайиб оппоқ докадан», «Зафарларга олиб келган ҳар ишдаги ютуғи», «Пайкалларда бодраб, ётар оппоқ пахта ўнгу-сўл», «Илгариларга ўхшаб ҳаммадан емас дакки», «Бахтли ёшлар илм олишар кўп хурсанд она-Ватан боғларида айтиб куй» каби яхши пишиб етмаган жуда примитив ва саёз сатрлар ҳам борки, шоир бу сатрларда «Ўнгу-сўл», «Куй», «Зафарларга», «ютуғи» сўзларидан ўринли фойдаланабилмаган, «докадан» сўзида «ни» ўрнида «дан» қўшимчасини ишлатиб грамматик формани бузган. Шу блан бирга кўп ҳолларда сатрларни образли ифодалар блан бойитишга, оригинал ўхшатишлар ахтариб топишга, воқиа ва манзараларни жонлантириб кўрсатишга ҳаракат қилмаган. Ба'зи умумийликка ҳам йўл қўйган.

Юқоридаги айрим жуз'ий камчиликлардан қат'ий назар бу ше'рлар тўплами шоир Пўлат Мўминнинг ижодий юксалиш йўлидан бораётганлигидан, болалар ҳаёти ва уларнинг психологиясини чуқур ўрганиб, ёш китобхонларга манзур бўлаоладиган ва уларга тарбиявий та'сир кўрсатаоладиган, ше'рлар яратиш устида ишлаётганлигидан дарак беради. Лекин, шоир Пўлат Мўмин бу блан қаноатланиб қолмаслиги керак. У, совет ёшларининг ҳаёти ғоят мазмунли, воқиаларга бой ва рангба-ранг эканлигини ҳаммавақт назарда тутган ҳолда воқийбанд ше'рлар яратиш устида ҳам қунт блан ишлаши, бунинг учун уларнинг ҳаётини ҳартомонлама синчиклаб ўрганиши, ўз ше'рларининг тематик доирасини янада кенгайтириши ва шу асосда янги ижодий муваффақиятларга эришмоғи зарур.

Ш. ТОҲИРОВ.

ҲАМЗАОБОДДА

ВОДИЛ, (Фарғона области). (ЎзТАГ). Ҳамзаобод аҳолиси буюк ўзбек шоири, драматурги ва композитор Ҳамза Ҳакимзода вафот этган кунининг 25 йиллигини кенг нишонламоқда. Шу кунларда шоирнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган адабий кечалар ташкил этилмоқда ва виставкалар очилди.

Ҳамзанинг ташаббуси блан ташкил этилган мактабда қизиқ суҳбатлар ўтказилмоқда. Бу мактабда тарбияланган жуда кўп ёшлар, техникум ва олий ўқув юртларини тамомлаб, ҳозирги вақтда ўз қишлоғида врач, ўқитучи, бухгалтер бўлиб ишламоқдалар.

Ҳамзанинг қилган орзулари рўёбга чиқди. Ҳозирги вақтда посёлкада битта ҳам саводсиз киши йўқ. Посёлканинг кўп аҳолиси ўрта ва тўлиқсиз ўрта ма'лумотга эга. Ҳамзаободда шоирнинг номига қўйилган клуб ва кутубхона очилди. Кинотеатр, радиоузель қурилди. Бу ерда Ҳамза Ҳакимзода номидаги республикада йирик бўлиб ҳисобланган курорт бутун йил давомида ишлаб турибди. Ҳамзаободда гидроэлектростанция қурилган, радиолаштириш ва электрлаштириш тобора юксалмоқда.

Колхозчилар техникадан моҳирлик блан фойдаланиб, қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилини йил сайин оширмоқдалар, ўз хўжаликларининг даромадини кўпайтирмоқдалар. Ҳамаа томонидан ташкил этилган қишлоқ хўжалик артелининг а'золари ўтган йил ҳар гектар ердан 1952 йилдагига қараганда 3 центнердан ортиқ пахта ҳосили олдилар. Колхозчилар кўкламда экин экиш учун 100 гектарга яқин бўз ерларни тайёр қилиб қўйдилар.

Ҳамзаобод аҳолиси Ватанга, ўз халқига садоқат блан хизмат қилиш намунасини кўрсатган буюк шоирнинг хотирасини ҳурмат блан эсга олмоқдалар.

СТУДЕНТЛАРНИНГ ПЕДАГОГИК ПРАКТИКАСИ

В. И. Ленин номли Ўрта Осиё давлат университети филология факультетининг IV курс студентлари олган билимларини мустаҳкамлаш, ўз касбларини пухта ўрганиш учун педагогик практика машғулотини уюшқоқлик блан ўтказмоқдалар. Студентлар Октябрь районидаги 24 ва 59-нчи ўрта мактабларнинг V-IX синфларида ўзбек тили ва адабиёти, логика ва психология фанларидан дарс берабошладилар. Практикада студентларнинг ишларига методистлардан Мурод Шамс, Хамидулла Убайдуллаев, ўқитучи Сиддиқ Фузаилов ўртоқлар раҳбарлик қилмоқдалар. Студентлардан Б. А'замов, О. Убайдуллаев, М. Шарипов, Ў. Ғозиев, Н. Каримов, Т. Охунова, О. Фозилова, Ш. Не'монова, Н. Шодмоновалар дарсга яхши тайёргарлик кўришлари, вақтни тўғри ташкил этиб, темани тушунарли, мазмунли ва ғоявий пишиқ баён қилишлари блан бошқа студентларга ўрнак бўлмоқдалар. Ба'зи практикантларнинг иш фаолиятидаги камчиликлар ўз вақтида тузатилмоқда.

К. НАЗАРОВ.

МАРКСИЗМ-ЛЕНИНИЗМ НАЗАРИЯСИНИ ЎРГАНУЧИЛАРГА ЁРДАМ

Марксистик партия аграр программасининг В. И. Ленин томонидан ишлаб чиқилиши

Марксизм-ленинизм деҳқонлар масаласи пролетар революцияси ва пролетариат диктатураси тўғрисидаги умумий масаланинг бир қисми, ишчилар синфининг пролетариат диктатурасини қўлга киритиш ва мустаҳкамлаш учун олиб борган курашида ҳамда коммунизм қурилишида унинг иттифоқчилари тўғрисидаги масала деб ҳисоблайди. Шу сабабдан марксистик партиянинг аграр программаси бу партиянинг умумий революцион программасининг таркибий қисмидир.

В. И. Ленининг рус ва жаҳон революцион ишчилар ҳаракати олдидаги буюк хизмати шундан иборатки, у, Маркс ва Энгельс кўрсатмаларига амал қилиб, марксистлар орасида биринчи бўлиб, пролетариатнинг деҳқонларга муносабати сиёсатини ишлаб чиқди ва асослади. В. И. Ленин 1894 йилда ёзган «Халқ дўстлари» нима ва улар социал-демократларга қарши қандай курашадилар?» деган асаридаёқ чоризмни, помещикларни, буржуазияни ағдариб ташлашнинг асосий воситаси сифатида ишчилар блан деҳқонларнинг революцион иттифоқи идеясини илгари сурди. РСДРПнинг В. И. Ленин томонидан ишлаб чиқилган аграр программаси ишчилар синфи блан деҳқонлар иттифоқини вужудга келтириш ва мустаҳкамлашдан иборат тарихий вазифани амалий суратда ҳал этишга бўйсундирилди.

В. И. Ленин буюк тарихий тажрибаларни умумлаштириб ва марксистик аграр назарияни янада ривожлантириб, «Партиямиз программасининг проекти», «Рус социал-демократиясининг аграр программаси», «1905—1907 йиллардаги биринчи рус революциясида социал-демократиянинг аграр программаси» номли ва бошқа асарларни ёзди. В. И. Ленин бу асарларида марксистик аграр программанинг принципларини асослаб берди. Бу программа ишчилар синфи ва унинг партиясининг қишлоқ аҳолисининг турли синфлари, табақалари ва группаларига нисбатан амалга оширадиган сиёсатидаги раҳбар қўлланмани илмий асосда та'рифлаб берди.

Коммунистик партия ленинча аграр программага амал қилиб, мамлакатимизда аграр масалани ғолибона социалистик революция ва коммунизм қуриш манфаатларини кўзда тутиб тарихда биринчи марта мувофақиятли ҳал этди.

* * *

Рус революцион марксистлари сиёсий кураш майдонига чиққан пайтлариданоқ Россияда аграр масалага жуда катта аҳамият бердилар. Бу масалани революцион тарзда ҳал этиш шу жиҳатдан жуда зарур эдики, чор Россияси иқтисодий соҳада қолоқ, аграр мамлакат бўлиб, аҳолисининг кўпчилигини деҳқонлар ташкил этар эди.

1861 йил реформаси эски помещик ер эгалигини тугатмади, балки барщчина системасига путур етказди ва Россияда капитализмнинг ривожланиши учун йўл очиб берди. Деҳқонларнинг энг яхши ерлари қириқ олиниб помещикларнинг мулкига айлантирилди, деҳқонлар ўз ихтиёрларида қолдирилган ер учун жуда кўп ҳақ тўлашлари керак эди. Улар революциядан илгариги Россияда ерни ижарага олиш ва сотиб олиш учун олтин блан 700 миллион сўмдан ортиқ пул тўлар эдилар. Бунинг учун ўша вақтдаги нарх-навога мувофиқ деҳқонлар бир миллиард пуддан ортиқ ғаллани сотишлари ёки помещиклар ихтиёрига топширишлари керак эди.

Россия пролетариатининг марксистик партияси аграр масалани ҳал этиш учун курашган вақтдаги социал-иқтисодий вазиятни характерлаб В. И. Ленин қуйидагиларни ёзди: «Ўн миллион деҳқон хонадонида 73 миллион десятина ер бор. Йигирма саккиз минг оқсуяк ва қулоқ лендлорд қўлида эса 62 миллион десятина ер бор. Деҳқонлар томонидан ер учун олиб борилаётган қизғин курашнинг асл сабаби ана шудир. Ана шу асосий сабаб орқасида техниканинг ҳаддан ташқари қолоқлиги, деҳқончиликнинг ташландиқ ҳолга тушиб қолганлиги, деҳқон оммасининг эзилаётганлиги ва жабрланаётганлиги, крепостнойлик, барщчина эксплуатациясининг сон-саноқсиз хилма-хил формалари ҳукм сураётганлиги табиий бир ҳолдир» (В. И. Ленин, Асарлар, 13 том, 241—242 бет).

Қишлоқда крепостнойликнинг талайгина қолдиқлари, В. И. Ленин айтганидек, деҳқонларнинг умумий миллий ҳаракатни вужудга келтирди. Аграр масала Россиядаги буржуа-демократик революциянинг асосини ташкил этди. Аграр масала миллий масала блан чамбарчас боғланган эди, чунки Россиянинг миллий чекка ўлкаларида яшовчи аҳолининг кўпчилигини деҳқонлар ташкил этар эди. Деҳқонларнинг пролетариат ва унинг партияси раҳбарлиги остида помещик ер эгалигининг ва деҳқончиликда ҳамда Россиядаги барча миллий ва сиёсий муассасаларда крепостнойлик қолдиқларини тугатиш учун олиб борган кураши аграр масаланинг моҳиятини ифода этар эди.

Ленинизмнинг асосий тактик қоидаларидан бирида та'риф этилганидек, империализм шароитида марксистик партия етакчилигидаги пролетариатгина буржуа-демократик революциянинг гегемони, раҳбари, йўлбошчиси бўлаолади. В. И. Ленин бу қоидани ҳимоя қилиб ва ривожлантириб бундай деб ёзди: «Ишчилар синфининг манфаатлари албатта деҳқонлар революциясини ишчилар синфининг зўр ғайрат блан қувватлашини,—ҳатто деҳқонлар революциясида унинг раҳбарлик ролини ўйнашини талаб қилади» (Ўша том, 379 бет).

Россия буржуа-демократик революцияси даврида аграр масаланинг ўзига хос хусусияти шундан иборат эдики, бутун ўртаасрчилик деҳқончилигини фақат помещик ер эгалигини эмас, балки деҳқон ер эгалигини ҳам емириб ташлаш керак эди. Россияда қишлоқ хўжалигида капитализм тараққиётининг об'ектив жиҳатдан мумкин бўлган икки йўлининг кураши тўғрисидаги масаланинг ленинча қўйилиши шундан келиб чиқар эди.

Биринчи йўл—крепостной латифундиялари, йирик помещик ер эгалигини аста-секин капиталистик хўжаликларга айлантиришдан иборат реакцион йўлдир. Бу йўл қишлоқда қулоқларнинг ўсишига ва деҳқонлар асосий оммасининг ҳонавайрон қилинишига, уларни қишлоқ хўжалигининг ёлланган ишчиларига айлантирилишига олиб боради.

Қишлоқ хўжалиги капиталистик тараққиётининг об'ектив жиҳатдан мумкин бўлган бошқа бир йўли—крепостнойлик қолдиқларини узил-кесил тугатишга ва қишлоқда капиталистик муносабатларни ўрнатишга қаратилган анча прогрессив йўлдир. Бунда деҳқон хўжалиги асосий куч бўлади. Бу хўжалик капиталистик фермерлик йўлидан тараққий этади. Бу йўл қишлоқ хўжалигида ишлабчиқариш кучларини тез ривожлантириш имконини берар эди.

Чор Россиясида қишлоқ хўжалиги тараққиётининг ана шу икки йўли учун кураш 1917 йилгача давом этди. Помещиклар ва чор самодержавиеси биринчи йўлни бор кучи блан қўллаб-қувватлади. Деҳқонлар, тараққиётнинг иккинчи йўли учун об'ектив, стихияли суратда кураш олиб бордилар. Аммо Октябрь революцияси ва пролетариат диктатурасининг ғалабасигина деҳқонларни ер блан та'минлади ва қишлоқ хўжалиги тараққиётининг янги, энг прогрессив йўли—социалистик йўлни очиб берди.

Қишлоқ хўжалигида капитализм тараққиётининг икки йўли ўртасидаги курашга берилган ленинча анализ большевистик партиянинг биринчи рус революцияси даврида курашган турли синфлар ва партияларнинг аграр программаларига тўғри баҳо беришига ҳамда ўзининг илмий жиҳатдан асосланган жанговар аграр программасини ишлаб чиқишига имконият туғдирди. Бу программа буржуа-демократик революциясида пролетар программаси эди, крепостнойлик қолдиқларини революцион йўсинда тугатадиган ва социализм учун кенг миқ'ёсда кураш олиб бориш йўлини очиб берадиган программа эди.

В. И. Ленин ва унинг тарафдорлари бу программани помещикларнинг қорагуруҳчи партиясига, либерал буржуазиянинг кадетлар партиясига, ишчилар ҳаракатида буржуа агентлари сифатида ҳаракат қилган меньшевикларнинг ўнг социалистик партиясига ва қулоқларнинг манфаатларини ҳимоя қилган эсерлар партиясига шафқатсиз кураш жараёнида ишлаб чиқдилар.

В. И. Ленин ерни национализация қилишни марксистик партия аграр программасининг энг муҳим талаби деб ҳисоблади. В. И. Ленин РСДРП II с'ездига партия программаси проектини ишлаб чиқиш вақтидаёқ ана шу талабни қаттиқ туриб ҳимоя қилди.

Аммо курашнинг биринчи этапида деҳқонлар революцион онгининг заифлигини э'тиборга олиб, В. И. Ленин «отрезкалар»ни деҳқонларга қайтариб бериш талабини илгари суриш зарур деб ҳисобладди. «Отрезкалар» помещиклар қўлида деҳқонлар оммасини қулликка солиш қуроли бўлиб хизмат қилар эди.

1905—1907 йиллар революцияси даврида кучайиб кетган деҳқонлар ҳаракати «отрезкалар»ни қайтариб бериш талаби етарли эмаслигини кўрсатди. РСДРПнинг 1905 йил апрель ойида бўлиб ўтган III с'езди деҳқонларнинг помещиклар ерларини мусодара қилишгача бўлган ҳаракатини қўллаб-қувватлаш ҳақида қарор қабул қилди. Большевиклар РСДРПнинг 1905 йил декабрь ойида Таммерфорсда бўлиб ўтган биринчи конференциясида В. И. Ленининг партиянинг аграр программасини ўзгартириш тўғрисидаги резолюциясини қабул қилдилар. «Отрезкалар» тўғрисидаги пункт программадан чиқариб ташланди, помещикларнинг барча ерларини мусодара қилиш ва ерни национализация қилиш талаби илгари сурилди.

В. И. Ленин 1907 йилнинг охирида «1905—1907 йиллардаги биринчи рус революциясида социал-демократиянинг аграр программаси» номли асарини ёзди. В. И. Ленин бу асарида большевикларнинг илмий жиҳатдан асосланган аграр программасини баён қилиб берди. Бу программа деҳқонларни помещик ер эгалигига революцион йўл блан қаттиқ ҳужум қилишга, деҳқонларнинг ғолибона қўзғолонини уюштиришга чақирди. В. И. Ленин демократик революциянинг кучайишиг ерга бўлган бутун хусусий мулкчиликка қат'ий зарба беришга олиб боради, деб кўрсатди. Бу даврда помещикларнинг ерларини мусодара қилиш блан чекланиб бўлмас эди, бутун ерни национализация қилиш, я'ни ерни хусусий кишиларнинг мулки деб эмас, балки демократик давлатнинг мулки деб э'лон қилиш керак эди.

В. И. Ленин, большевиклар буржуа-демократик революцияси чоризм устидан узил-кесил ғалаба қилганида ерларни национализация қилиш мумкин деб ҳисобладилар. В. И. Ленин бундай деб ёзган эди: «Большевиклар дарҳол бу революция ғалабасининг умумий ва асосий синфий шартларини, пролетариат блан деҳқонларнинг демократик диктатураси деб, та'рифлаб бердилар» (Ўша том, 386 бет). Ерни национализация қилиш тўғрисида В. И. Ленин томонидан илгари сурилган ва ҳартомонлама асослаб берилган программ талаб унинг буржуа-демократик революциянинг социалистик революцияга ўсиб кириши ҳақидаги назариясидан келиб чиқар эди.

Ленинча аграр программада умуман деҳқонлар ҳаракатини қўллаб-қувватлаш блан бир қаторда марксистик партиянинг ўзига хос синфий вазифалари ҳам кўрсатиб берилган эди. Бу вазифалар социалистик революция учун кураш зарурлигига асосланар эди. Бу программа деҳқон комитетлари ичида қишлоқдаги пролетар ва яримпролетар элементларни, я'ни қулоқларга қарши қат'ий кураш олиб боришлари лозим бўлган батрак ва камбағалларни уюштиришни талаб этди.

Бу программа деҳқонларнинг ер учун олиб борадиган курашида уларнинг ҳаётий манфаатларига муносиб бўлиб, деҳқонлар ҳаракатининг бутун революцион имкониятларини пролетариат блан иттифоқда ва унинг раҳбарлиги остида сафарбар қилишга мўлжалланган эди.

В. И. Ленин РСДРПнинг IV (Бирлаштириш) с'ездида сўзлаган нутқларида ва аграр масаласига доир асарларида меньшевикларнинг ерни муниципализация қилиш программасини шафқатсиз танқид қилди. Бу программа помещик ерларини муниципалитетлар, я'ни маҳаллий бошқармалар ёки земстволар ихтиёрига беришни кўзда тутар эди. Деҳқонлар ерни ўз кучига қараб булардан ижарага олишлари керак эди.

Меньшевикларнинг ерни муниципализация қилиш программаси оппортунистик, реформистик программа эди. Бу программа давлат ҳокимиятини курашиб қўлга киритиш, помещикларнинг ерларини мусодара қилиш каби асосий масалаларни э'тиборсиз қолдирар эди; меньшевикларнинг программаси деҳқонлар оммасининг революцион ғайратига путур етказар, деҳқонлар ҳаракатини тарқоқ ҳолдаги маҳаллий чиқишларга айлантириб юборар ва ишчилар синфи блан деҳқонлар иттифоқини издан чиқарар эди.

Меньшевиклар ғарбий европалилар сингари ҳарнарса олдида сажда қилиб, рус революцияси Ғарбий Европа буржуа революциялари нусхасида камол топади, деб ҳисобладилар. Меньшевик муниципализаторлар аграр масалани ҳам четэл нусхасида ҳал этишга интилиб, инглиз муниципал социализми деб аталган нарса блан ғоят қизиқдилар. Муниципал социализм ўтакетган оппортунистик, реформистик оқим эди. В. И. Ленин бундай деб ёзди: «Ғарбдаги буржуа интеллигенцияси социал тотувликка эришмоқ ҳақида, синфларни яраштириш ҳақида хаёл қилаётганлиги ва жамоатчилик фикрини бутун иқтисодий тузумнинг ҳамда бутун давлат **тузилиш

Колхозчи ўртоқлар, бутун куч ва моддий-техника воситаларини кўкламги дала ишларини кучайтириб юборишга сафарбар этингиз!

* * *

Илғор механизаторларнинг муваффақияти

2-нчи Баёвут совхозининг 3-нчи бўлимидаги механизаторлар социалистик мусобақани қизитиб, тракторлар ремонтини тез фурсатда тамомлаш мажбуриятини олган эдилар. Тракторчилар олинган бу мажбуриятни муддатидан илгари бажардилар, ремонт ишларини юқори сифатли қилиб тамомладилар ва бошқа қишлоқ хўжалик машина асбобларини капитал ҳамда жорий ремонтдан чиқардилар. Ҳозир эса тракторчилар дала ишларини бошлаб юбордилар.

Механизаторлар биринчи навбатда «Универсал» блан ғўзапоя юлиш агрегатини ишга солмоқдалар. «Универсал»чилардан Содиқ Шукуруллаев, Ҳалим Текеев, Никифор Ломакин, Ма'риф Дадабоев ўртоқлар ҳар куни 7—8 гектар ердаги ғўзапояларни йиғиштириб олмоқдалар, Универсалчилар шу блан бирга шудгорларни бороналаб, ерни чигит экишга тайёрламоқдалар.

Бўлим механизаторлари ҳозир дала ишларини қизитиб ерни экишга сифатли қилиб тайёрлаш ва чигитни қисқа муддат ичида экиб олиш учун курашмоқдалар.

Трактор колоннаси бошлиғининг ёрдамчиси, комсомол а'зоси Эргаш Мамадов, слесарь Риза Каримов, тракторчилардан Азиз Зиёдуллаев ўртоқлар меҳнат вахтасида туриб, дала ишларида кунлик топшириқни 120—140 процентга етказиб бажармоқдалар.

Г. СУВАНҚУЛОВ.

Чигитни қисқа муддатда экиб олиш учун

ЯНГИЙЎЛ, (ЎзТАГ). Янгийўл райониндаги Ленин номли қишлоқ хўжалик артелининг а'золари ҳавонинг очиқ бўлганидан фойдаланиб, дала ишларини қизитмоқдалар. Бригадаларнинг омборларига экиш материаллари ташиб қўйилмоқда, далалар теккисланмоқда, участкаларга минерал ўғит етказиб берилмоқда.

Ўғит ташучи аравакашлардан М. Азимов ва Д. Каримбоев яхши ишламоқдалар. Улар кунига норма блан белгиланганича 5 марта қатнаш ўрнига 10—12 марта қатнамоқдалар.

Н. Мирзаев, Б. Пўлатов, Ф. Қўчқоров ва Р. Нурматов раҳбарлигидаги далачилик бригадалари чигит экишга тўла тайёр эканликлари ҳақида рапорт бердилар. Бу бригадаларнинг пахтакорлари ер ҳайдаш ишларини тамомладилар.

Р. Маҳкамов бригадасининг участкасида механизаторлар ўтган йили кузда шудгор қилинган ерларни бороналашга киришдилар.

Колхоз а'золари 1800 гектардан иборат бутун экин майдонида чигит экишни 10 кун ичида тамомлашга қарор бердилар.

Комсомоллар ғайрати

Верхне-Волинский районидаги Карл Маркс номли колхознинг комсомол-ёшлари партия ва ҳукуматимизнинг Ўзбекистонда пахтачиликни янада ривожлантириш тўғрисидаги қароридан руҳланиб пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун зўр ғайрат блан ишламоқдалар.

Мусобақадош Бўрибеков ва Раҳимов ўртоқлар бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси бу йил гектаридан 50 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олдилар. Улар бригаданинг далаларига 600 тоннадан кўпроқ маҳаллий ўғит чиқардилар.

Бригада а'золаридан Усмон Исроилов, Ойша Хусанова, Болатой Ҳайдаровалар фидокорона меҳнат қилиб, кунлик нормани 150—200 процентга етказиб бажармоқдалар.

У. МАМАСОЛИЕВ.

Оржоникидзе районидаги Каганович номли колхознинг парник хўжалигида ишлар қизиб кетди. Колхозчилар парникда етишган карам кўчатларини ўтқазиш учун тайёрламоқдалар. **Суратда:** (чапдан, олдинги қаторда) колхоз а'золаридан **З. Ҳакимова** ва **М. Қўчқорова** ўртоқлар парникда ишлаб, кунлик иш нормаларини ошириб бажармоқдалар.

В. Салов фотоси.

☆ ☆ ☆

Қолоқ колхозларга амалий ёрдамни кучайтириш керак

«Тошкент ҳақиқати» мухбиридан

Октябрь район партия, совет ташкилотлари ҳамда МТСнинг айрим раҳбар ходимлари блан сўзлашиб қолсангиз, улар камқувватли колхозларга яқиндан ёрдам берилаётганлиги тўғрисида гапирадилар. Шунинг учун ҳамма ишлар яхши бормоқда, деб қўядилар.

Район ижроия комитетининг раиси ўртоқ М. Тожиев бундай деб қолди:

— Биз ўтган йилги хатолардан ўзимизга керакли хулоса чиқариб олдик. Райондаги кам қувватли колхозларга зўр э'тибор бермоқдамиз, бундай колхозлар кадрлар блан мустаҳкамланди, иқтисодий ёрдам ҳам ўсиб бормоқда. Сталин номли, Энгельс номли ва Тельман номли колхозларда ишлар яхшиланиб кетди. Бу колхозларда кўкламги дала ишларига яхши тайёргарлик кўрилмоқда.

Бундай гапларни 2-нчи МТС зонаси бўйича секретарь ўртоқ Каримовдан ҳам эшитасиз. У қолоқ колхозларга мўл ҳосил етиштириш йўлида берилаётган ёрдамларни санаб кетади.

Бу ёрдамларнинг ҳаммаси район раҳбарларининг гапларида холос. Аммо камқувватли колхозларга техника жиҳатидан ва бошқа соҳада амалий ёрдам берилмаётир. Районда 6 та колхоз ҳосил етиштириш жиҳатидан бошқа колхозларга нисбатан анча орқада туради. Эски Тошкент қишлоқ советидаги Сталин номли пахтакор колхоз шулар жумласиндадир. Бу колхоз кеҳинги бирнеча йил давомида қишлоқ хўжалик экинлари етиштириш планини бажармай келади. Пахта ҳосили бу колхозда пасайиб кетмоқда. Колхозда ўтган йили 770 гектар ернинг ҳар гектаридан 20 центнердан ҳосил топширилди. План 64 процент бажарилди, холос. 180 гектар ердаги беда бир марта ўралганича қолиб кетди. Натижада чорва моллари учун ем-хашак тайёрлаш топшириғи бажарилмади.

Катта ёрдамга мухтож бўлган Сталин номли колхозга район раҳбарлари ҳам, МТС ходимлари ҳам яқиндан ёрдам бермаётирлар. Бу колхозда раиснинг тез-тез ўзгартириб турилиши натижасида меҳнат интизоми ҳаддан ташқари бўшашиб кетган. Кўпчилик колхозчилар меҳнат минимумини бажармайдилар. Район раҳбарлари Сталин номли колхозда раисни ўзгартириш блан иш юришиб кетади, деб ўйладилар. Аммо, ҳозирги иш бундай бўлиб чиқмади. Колхозда 992 гектар ер ҳайдалиши керак. Шундан 160 гектар ер кузда шудгор қилинган эди. Қолган ерларни ҳайдаш, уларни чигит экишга барвақт тайёрлаш учун амалий тадбирлар кўрилмаётир. Янгидан очиладиган 100 гектар ерга ҳали трактор ҳам келгани йўқ. 2-нчи МТС раҳбарлари бу колхозга механизация ёрдамини кучайтириш, шу блан бирга кўкламга тайёргарлик ишларини қисқа муддатда тугаллашга э'тиборсизлик блан қарамоқдалар. Бу колхозда хизмат қиладиган ўртоқ Ефименко бошлиқ трактор бригадасининг сифатсиз ремонт қилинган тракторлари жуда ёмон ишламоқда. Яқинда колхозга келтирилган С—80 трактори 8 кун ишлагач бузилиб қолди. Уни қайтариб МТСга олиб кетганларига 10 кун бўлди. Шунингдек иккита НАТИ трактори ҳам бирнеча кундан бери ишлатилмай туради.

Шуни ҳам алоҳида айтиб ўтиш керакки, колхоз раиси Саттор Қаюмов, партия ташкилотининг секретари М. Муҳаммедов ўртоқлар: «бизга район томонидан тузукроқ ёрдам берилмаса, ишни яхшилаб бўлмайди» деб ўзлари ҳалигача чиқакамига меҳнат қилмаётирлар. Улар колхозчиларнинг дала ишларига чиқиш устидан контроль уюштирмаётирлар. Колхозда меҳнатни ташкил қилиш, колхозчиларнинг меҳнат кунларини тўғри ҳисобга олиш, уларни ишга рағбатлантириш масалаларига ҳам яхши э'тибор берилмаётир.

Райондаги Энгельс номли колхозда ҳам аҳвол худди шундай. Бу колхозда бир йил ичида колхоз раиси икки марта алмаштирилди. Натижада колхоз хўжалигининг мустаҳкамланиши устидан жонкуяр раҳбар бўлмади, колхозда ҳосил кескин камайиб кетди.

Район партия комитетининг шу зонадаги секретари ўртоқ Каримов бу ишлардан хабардор. У яқинда Энгельс номли колхозга келиб далаларни айланиб чиқди. Шундан кейин у: «Ишларингиз дуруст бораяпти, бундан кейин янада кучайтириб юборинглар» деди-ю яна қайтиб кетаверди. Ўртоқ Каримов колхоз ишлабчиқаришининг қай аҳволда эканлиги блан чуқур танишмайди. Колхоз правленеси ва партия ташкилотига дала ишларини уюштириш соҳасида ёрдамлашмайди.

Октябрь район партия комитети пахтакорлар ва механизаторлар ўртасида оммавий-тушунтириш ишларини қониқарсиз олиб бормоқда. Район партия комитетининг секретарьлари колхозларга борганларида партия ташкилотларининг ишлари блан яқиндан танишмайдилар. Ёрдамга муҳтож бўлган ташкилотларга йўл-йўриқ кўрсатмайдилар. Шунинг учун райондаги жуда кўп колхозларда социалистик мусобақа шартномалари тузишга, пахтакорлар блан механизаторларнинг мўл ҳосил етиштириш йўлидаги ўзаро мусобақасига ҳечким старли э'тибор бермаётир.

Ўтган йили Октябрь райони пахта тайёрлаш планини бажаролмади. Бу—район партия комитетининг ва район ижроия комитетининг қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилишда жиддий камчиликларга йўл қўяётганини кўрсатиб турипти. Район партия ташкилотининг сўнгги бўлиб ўтган конференциясида бу камчиликлар очиб ташланди ва танқид қилинди. Шунга қарамасдан юқоридаги камчиликлар ҳозиргача тугатилгани йўқ. Район раҳбарлари колхозларга эскичасига бошчилик қилмоқдалар. Натижада колхозларда кўкламга тайёргарлик ишлари чидаб бўлмаслик даражада кечикиб кетаётир.

Октябрь район пахтакорлари бу йил катта майдонлардан мўл ҳосил етиштириш юзасидан Ўртасарой райони блан социалистик мусобақа тузганлар. Барча техника ва ички имкониятларни сафарбар этиб, ана шу мусобақада ғолиб чиқиш учун курашиш район пахтакорларининг жонажон ишидир. Район партия, совет ташкилотлари қолоқ колхозларга амалий ёрдам ва раҳбарликни кучайтиришлари керак.

☆ ☆ ☆

Совхозда бўшашучилик

ОҚҚЎРҒОН (**«Тошкент ҳақиқати» мухбиридан**). Сталин номли 17-нчи совхоз коллективи бу йил пахта майдонини ўтган йилга нисбатан 175 гектар кенгайтиришни, ҳар гектар ердан 29,1 центнердан ҳосил етиштириши керак. Броқ совхозда (директори Жўрабек Тошев, партия ташкилотининг секретари В. Живоглазов ўртоқлар) кўкламга тайёргарлик ишлари оммавий равишда қизитиб юборилган эмас. Мўл ҳосил етиштиришни та'минлаш учун ерларнинг мелиоратив аҳволини яхшилаш зарур. Бу йил 62 минг кубометр ариқ-зовур ишлари бажарилиши лозим. Лекин совхоз раҳбарлари бу муҳим ишга ўтакетган даражада мас'улиятсизлик блан қарамоқдалар. Натижада ариқ-зовур қазиш планининг ярми ҳам бажарилгани йўқ.

Совхозда минерал ўғитларни ташиб олиш, маҳаллий ўғит тайёрлаш ва далага чиқариш ишлари ҳам қониқарсиз аҳволда. Ҳозиргача 2 минг 413 тонна минерал ўғитдан энди 150 тоннаси ташиб олинган, холос. Маҳаллий ўғит тайёрлаш плани ҳам бажарилмай қолмоқда.

Тракторлардан унумли фойдаланиш тўғрисида ҳечким жиддий ўйлаб кўрмаётир. Шунинг натижасида совхоз трактор паркидаги ҳархил маркали 92 тракторнинг кўпчилиги ишга туширилгани йўқ. Совхозда ба'зи кунлари 20 гектарга етар-етмас ер ҳайдалаётир. Ҳанузгача 700 гектар ердан ғўзапоялар йиғиб олинмаган ва ҳайдалиши лозим бўлган кўп ерларга минерал ва маҳаллий ўғит солинмаган. Бу эса совхозда агротехника қоидаларига яхши э'тибор берилмаётганлигини кўрсатади.

Ўтган йили совхознинг ўртоқ Жума Элчибоев бошлиқ биринчи бўлими пахта планини 102,4 процент бажариб, ҳар гектар ердан 32 центнердан ҳосил олишга муяссар бўлган эди. Мана шу бўлимда куз-қиш ойларида ер ҳайдаш, далага маҳаллий ўғит чиқариш, ариқ-зовурларни тозалаш ишлари бирмунча яхши уюштирилган эди. Лекин кейинги вақтда бу бўлимда ҳам иш сусайиб кетди. Совхознинг қолган 5 бўлимида ҳам кўкламги дала ишларига тайёрлик суст олиб борилаётир.

Совхоздаги илғор тракторчиларнинг иш тажрибалари оммалаштирилмаётир. Биринчи бўлимда ишлаётган М. Аҳмедов, бешинчи бўлимда ишлаётган О. Мирзабеков, Н. Мирхолдорова каби тракторчилар кунлик нормани 120—150 процент қилиб бажармоқдалар. Броқ уларнинг тажрибалари асосида совхозда ер ҳайдаш ишлари қизитиб юборилмаган.

Совхозда бу йил 465 гектар ерга беда, 336 гектар ерга ғалла экилиши лозим. Аммо беда ва ғалла экишга ҳам мутлақо тайёрлик кўрилмаётир.

Совхозда кўкламги экиш кампаниясига тайёрлик ишларининг бундай судралиб қолишига асосий сабаб совхоз ишчилари ва бўлим бошлиқлари ўртасида меҳнат интизомининг яхши йўлга қўйилмаганлиги, ҳарбир участкада ишловчи мас'ул кишиларнинг йўқлигидадир. Ўтган йилдаги 45 далачилик бригадалари ўрнига бригада ерлари йириклаштирилиб совхозда бу йил 33 бригада тузилган. Лекин бу бригадаларга ва звеноларга ҳалигача бошлиқлар тайинланмаган.

Совхоз бошланғич партия ташкилотининг секретари ўртоқ Живоглазов совхозда кўклам экин кампаниясига тайёрлик ишлари жуда ёмон аҳволда эканлигини яхши билади. Лекин у, совхоздаги хотиржамлик кайфиятини бартараф қилиш тадбирларини кўрмаётир. Совхоз ишчилари ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни яхшилаш, кўклам экин кампаниясига тайёрликни кучайтириш, ишчиларни дала ишларига сафарбар қилиш тадбирлари амалга оширилмаётир.

17-нчи совхоз коллективи бу йил ҳар гектар ердан 29,1 центнердан пахта ҳосили етиштириш мажбуриятини олган. Бунинг учун экиш қисқа муддатда ўтказилиши керак. Аммо юқори ҳосил олишнинг гарови бўлган бу ишга жиддий аҳамият берилмаётир. Совхоздаги мавжуд барча моддий-техника имкониятлари, ишчи кучлари кўкламги дала ишларини кучайтириб юбориш учун тўла сафарбар қилиниши зарур.

РЕДАКЦИЯГА ХАТ

Қачонгача сарсон қиладилар?

Пискент район Кировчи қишлоқ советидаги Молотов номли колхоз а'золари ўтган йили ҳалол ва фидокорона меҳнат қилиб, пахта тайёрлаш планини 110 процент бажардилар. Улар ҳозирги пайтда ўтган йили қўлга киритилган ютуқларни мустаҳкамлаш ва 1954 йилда ҳам пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун барча зарур ишларни бажармоқдалар. Бутун пахта майдонидаги ғузапоялар йиғиб олинди. 8 минг 960 кубометр ариқ-зовурлар тозаланди. 580 гектар пахта майдони ҳайдалиб қўйилди. 15 та от плуги, 44 сихмола, 23 культиватор, 42 оқучник, 29 аравa, 214 та ҳархил асбоблар ремонт қилинди. Далага 919 тонна маҳаллий ўғит чиқарилди. Ҳозир 100 га яқин колхозчи тўғон курилишида ишламоқда.

Броқ, бизнинг кўклам кампаниясини муваффақиятли ўтказишимиз учун халал берадиган ва ҳатто ишимизни хавф остида қолдираётган ба'зи жиддий камчиликлар бор. Масалан, биз бу йил 720 гектар ерга чигит экишимиз ва 120 гектар янги ерларни ўзлаштиришимиз керак. Аммо ҳозиргача бизда янги ерларни ўзлаштириш масаласи ҳал қилинган йўқ. Колхоз правлениеси 1953 йил 26 июньда 78 гектар тўқайни, 50 гектар қўриқни ўзлаштириш ҳақида қарор қабул қилиб, район ташкилотларига юборган, бу тўғрида уларнинг ёрдам беришини илтимос қилган эди. Лекин бу масала ҳозиргача район ташкилотлари, 2-нчи МТС ва район сув хўжалик бўлими томонидан ҳал қилинмади. Ўтган йил август ойида қишлоқ хўжалик бўлимининг бош агрономи Чадин ва Б. Цой ўртоқлар келиб, биз қарор қилган 128 гектар ер очилиши керак деб планлаштириб кетдилар. Шу йил 5 февральда район ижроия комитети бу масала юзасидан махсус комиссия тузди. Ер тузиш бўлимидан Б. Цой, сув хўжалик бўлимидан Абдулхаев, 2-нчи МТСнинг бош агрономи Бочкарев, янги суғориш системасининг инструктори Беляков ўртоқлардан иборат комиссия колхозга келиб, бу ерларни кўриб акт тузиб кетдилар. 2-нчи МТС раҳбарлари эса бу ерларни очиш учун бизда «С-80» маркали тракторлар йўқ, дейишди. Шундай қилиб, янги ер очиш масаласи ҳозиргача бирёқлик бўлмай келмоқда. Натижада колхозда бу йил қанча ерга чигит экилиши ҳозиргача аниқ бўлгани йўқ.

Биздан минерал ўғитни ўз вақтида ташиб олишни талаб қиладилар. Биз пландаги 480 тонна суперфосфатдан 130 тонна, 290 тонна азотдан 40 тоннасини ҳалигача ололмадик. Бунинг сабаби шуки, «Узглавсельснаб» Тошкент область бўлимининг бошлиғи ўртоқ Крилов бизга ўғит беришга кўнмаётир. Биз учун минерал ўғитни ҳозир ташиб олиш ҳар жиҳатдан қулай. Транспорт бўш, йўл яқин. Колхоз правлениеси 17 февральда ўғит беришни сўраб, яна мурожаат қилди. Ўртоқ Крилов бизнинг ҳақли талабимизни рад қилди. Биз ҳаркандай очилмаган масалаларнинг тез ҳал қилинишини, расмиятчиликка барҳам берилишини талаб қиламиз.

Исмуддин ҲАЙДАРОВ.

Пискент районидаги Молотов номли колхознинг раиси.

Меньшевиклар РСДРПнинг IV (Бирлаштириш) с'ездида кўпроқ делегатларга эга бўлганлиги сабабли с'езд меньшевикларнинг сиёсий жиҳатдан зарарли бўлган ерларни муниципализация қилиш программасини овозларнинг кўпчилиги блан қабул қилди.

Тарих В. И. Ленининг позицияси тамомила тўғри эканлигини тасдиқлади. В. И. Ленин буржуа революциясининг социалистик революцияга ўсиб кириши учун замин тайёрланган **Россия шароити**да национализация қилиш программасидан бошқа ҳечқандай программа бўлиши мумкин эмас, деб ҳисоблади.

* * *

1917 йилдаги февраль буржуа-демократик революцияси ғалаба қилганидан кейин большевиклар партияси социалистик революцияни тайёрлаш ва ўтказиш даврига қадам қўйди. В. И. Ленин Апрель тезисларида партиямизнинг ўша даврдаги аграр программаси моҳиятини та'рифлаб берган эди. Бу программанинг моҳияти ерга бўлган ҳарқандай хусусий мулкчиликни тугатиш, мамлакатдаги барча ерларни национализация қилиш ва бу ерларни батрак ва камбағал деҳқон депутатлари маҳаллий Советлари ихтиёрига топшириш, йирик имениелар ўрнига намунали хўжаликлар тузиш, деҳқонларнинг ерни биргалашиб ишлашини рағбатлантиришни талаб қилишдан иборат эди.

Партиямизнинг социалистик революциядаги аграр программаси пролетариат диктатурасини ўрнатиш ва мустаҳкамлаш учун олиб борилган умумий кураш программасининг бир қисми бўлиб, Советлар ҳокимияти учун кураш ишчилар синфи блан энг камбағал деҳқонларнинг жанговар иттифоқини вужудга келтиришни та'минлади. Улуғ Октябрь социалистик революцияси ғалаба қилган кунинг эртасигаёқ Советларнинг II Бутунроссия с'езди ер тўғрисида тарихий декрет қабул қилди. Бу декретга мувофиқ помешчик, удел ва монастирь ерлари барча деҳқонларнинг текин фойдаланиши учун топширилар эди. Ерга бўлган хусусий мулкчилик ҳуқуқи бекор қилинди ва бутун ер давлат, умумхалқ мулкига айлантирилди.

Ер тўғрисидаги декрет ишчилар синфининг социалистик талабларини ва меҳнаткаш деҳқонларнинг мамлакатда аграр ислоҳот ўтказиш ҳақидаги демократик талабларини бирга қўшиб олиб борди, ишчилар синфининг меҳнаткаш деҳқонлар оммасини қишлоқ хўжалигида пролетар социалистик тадбирларни амалга ошириши сари бошлаб боришни енгиллаштирди. Ана шу декрет туфайли деҳқонлар помешчик, подшо, монастирь ва черковларга қарашли 150 миллион десятинадан ортиқ ер олдилар. Октябрь революцияси деҳқонларни ҳар йили помешчикларга тўлайдиган 500 миллион олтин сўмлик ижара ҳақидан ва деҳқончилик банкига тўлаши лозим бўлган 1 миллиард 300 миллион олтин сўм қарзларидан озод қилди. 1918 йилнинг ёз фаслида меҳнаткаш деҳқонлар камбағаллар комитетлари орқали Совет ҳокимиятидан яна 50 миллион кентар қулоқлар ерини олдилар.

Коммунистик партия ўз аграр программасининг асосий талабларини амалга оширабориб, қишлоқда Совет ҳокимиятини мустаҳкамлади, қулоқларнинг сиёсий ва иқтисодий кучларига путур етказди ва 1918 йилнинг охирига келганда ўрта деҳқонларни Совет ҳокимияти томонига ўтказиб олди. 1919 йил март ойида РКП(б) нинг VIII с'езди В. И. Ленининг таклифига мувофиқ деҳқонлар масаласи юзасидан партиянинг янги шиорини қабул қилди. Бу шиор камбағалларга таяниб, қулоқларга қарши кураш олиб борган ҳолда ўрта деҳқонлар блан мустаҳкам иттифоқ тузишдан иборат эди. Бу шиор Коммунистик партия янги программасининг аграр масалага доир қисми учун асос қилиб олинди.

Партиянинг VIII с'езидда қабул қилинган программасида Совет ҳокимияти ерга бўлган хусусий мулкчиликни тамомила тугатиб, йирик социалистик деҳқончиликни уюштиришга қаратилган тадбирларни амалга ошираборишлаши керак, деб та'кидланди. В. И. Ленин ишлаб чиққан ва партиянинг VIII с'ездида қабул қилинган бу тадбирлар: Совет хўжаликларини тузишдан; ерни жамоат бўлиб ишлаш шерикчиларини қўллаб-қувватлашдан; экилмай қолган ҳамма ерларга, бу ерларнинг кимники бўлишидан қат'и назар, давлат йўли блан экин экишдан; қишлоқ хўжалик ишлабчиқариш кооперациясининг ҳамма турларини қўллаб-қувватлашдан иборат эди.

Партиянинг ленинча аграр программасининг амалга оширилиши рус ишчилар синфининг чекка миллий ўлкалардаги деҳқонлар оммаси блан иттифоқини мустаҳкамлади, мамлакатимиздаги барча халқларнинг бир-бирлари блан яқинлашувига ва улар ўртасида мустаҳкам дўстликнинг вужудга келтирилишига ёрдам берди.

Коммунистик партиянинг аграр программаси В. И. Ленининг машҳур кооператив планида, партиянинг қарорларида, Совет ҳокимиятининг аграр масалалар ҳақидаги қонунларида янада ривожлантирилди.

Ленининг кооператив плани меҳнаткаш деҳқонлар оммасини маҳсулот етиштириш умумлаштиришнинг энг оддий формаларидан тортиб қишлоқ хўжалик ишлабчиқариш кооперативларини туғишгача қишлоқ хўжалигида коллективизм асосларини аста-секин жорий қилиш йўли блан социалистик қурилишга жалб этишни кўзда тутди. Деҳқон хўжаликларини кооперативлаштириш учун йирик социалистик деҳқончиликнинг моддий базаси бўлган ҳозирги замон оғир индустриясини вужудга келтириш ва ишчилар синфи блан деҳқонлар иттифоқини (бу иттифоқда ишчилар синфининг раҳбарлик ролини та'минлаган ҳолда) мустаҳкамлашни та'минлаш зарур эди.

Ленининг кооператив плани И. В. Сталининг асарларида ва партия қарорларида янада ривожлантирилди. Коммунистик партия ленинча кооператив планни бажарабориб, қишлоқдаги кўпмиллионли меҳнаткаш деҳқонлар оммасининг буржуа якка-деҳқон тузумидан ихтиёрий суратда колхоз, социалистик тузум йўлига ўтишига эришди.

Совет ҳокимияти барпо қилинган биринчи йиллардаёқ ерларни национализация қилди. Бу чора колхоз тузумининг ғалабаси учун жуда катта аҳамиятга эга бўлди. И. В. Сталин 1929 йилда бу тўғрида қуйидагиларни ёзди: «...бизда ер хусусий мулк эмас. Бизда ер хусусий мулк бўлмагани учун ҳам, бизнинг деҳқонларимиз ерга Ғарбдагидек қул каби боғланган эмас. Бу ҳол эса майда деҳқон хўжалигининг колхозлар йўлига ўтишини осонлаштирмасдан қолмайди.

Бизда, ер национализация қилинган шароитда, қишлоқдаги йирик хўжаликлар, қишлоқдаги колхозлар ўзларининг майда деҳқон хўжаликларидан афзал эканликларини шундай осонлик блан кўрсатаолишларининг сабабларидан бири ҳам ана шудир.

Абсолют рентани йўқ қилган, ернинг хусусий мулклигини бекор қилган ва ерни национализация қилган совет аграр қонунларининг буюк революцион аҳамияти ҳам ана шундадир». (И. В. Сталин Асарлар, 12 том, 168 бет).

Коммунистик партия раҳбарлиги остида ерни национализация қилиш базасида СССРда вужудга келтирилган колхоз тузуми майда товар деҳқон хўжалигига нисбатан, шунингдек йирик капиталистик қишлоқ хўжалик ишлабчиқаришига нисбатан ғоят устун эканлигини исбот қилди.

Мамлакатимизда коллективлашдан илгари 25 миллион майда деҳқон хўжалиги бор эди. Эндиликда 94 минг колхоз, 8 минг 950 машина-трактор станцияси ва 4 минг 700 дан ортиқ совхоз бор.

СССРнинг социалистик қишлоқ хўжалиги дун'ёда энг кўп механикалаштирилган хўжаликдир. 1954 йилнинг бошига келганда МТСлар ихтиёрида (15 от кучи ҳисобида) 1 миллиондан ортиқ трактор, шу жумладан 460 минг дизель трактор; 270 минг дон комбайни, салкам 450 минг дон трактор сеялкаси, 260 мингдан ортиқ трактор сенокосилкаси ва бошқа кўпгина мукаммал машиналар бор эди.

Колхоз-совхоз ишлабчиқариши ўзининг буюк ҳаётий кучини, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари блан, енгил ва озиқ-овқат саноатини эса хомаш'ё блан тобора кўпроқ та'минлашга қодир эканлигини яққол кўрсатди.

Бизнинг мамлакатимизда техника жиҳатидан мукаммал қудратли оғир индустрия мавжуд бўлган ва колхозлар анча мустаҳкамланган бир пайтда ана шу асосда қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини кескин суратда ривожлантириш учун барча имконият ва шарт-шароитлар бор. КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленумининг қарорида ва партия ҳамда ҳукуматнинг қишлоқ хўжалиги масалалари юзасидан чиқарган кейинги қарорларида қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини тез сур'атлар блан ривожлантиришдан иборат жанговар, конкрет программа чизиб берилди. Кенг халқ оммаси бу қарорларни қизғин ма'қуллади. Колхозчилар, МТС ва совхоз ходимлари партия ва ҳукуматнинг қишлоқ хўжалиги масалалари юзасидан чиқарган қарорларини тезликда амалга ошириш ва бизнинг мамлакатимизда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини мўл-кўл қилиш ҳамда бу блан коммунизм ғалабаси учун кураш йўлидаги умумхалқ ишига ўз ҳиссаларини қўшиш учун курашмоқдалар.

* * *

Ерни национализация қилишни партиямиз аграр программасининг марказий масаласи деб қараб, В. И. Ленин коммунистларга ҳарбир мамлакатнинг шароитини конкрет суратда ҳисобга олиб, бу масалани ҳал этиш керак деб та'лим берди. Шу муносабат блан И. В. Сталин 1928 йилда бундай деб ёзган эди:

«Капиталистик жиҳатдан тараққий топган мамлакатларда ер неча юз йиллардан бери хусусий мулк бўлиб, капиталистик жиҳатдан камроқ тараққий қилган мамлакатлар тўғрисида бундай деб бўлмайди, чунки бундай мамлакатларда ер хусусий мулкдир деган принцип ҳозирча деҳқонларнинг қону танига сингиб кетган эмас. Бир вақтлар бизда, Россияда деҳқонлар, ер ҳечкимники эмас, ер ҳудоники, дер эдилар. Ленининг 1906 йилдаёқ, буржуа-демократик революциясини кутиб турилган пайтда, майда ва ўрта деҳқонларнинг ердан фойдаланишини та'минлаш шарти блан ҳамма ерни национализация қилиш шиорини ўртага ташлаганига ҳам сабаб шудир. Бунда Ленин, деҳқонлар бунинг ма'носига етади ва унга кўникади, деб ҳисоблаган эди.

Ленин яна 1919 йилда Коминтернинг II конгрессида капиталистик жиҳатдан тараққий топган мамлакатлардаги коммунистик партияларни: бирданига ҳамма ерни национализация қилиш шиорини ўртага ташламанг, чунки бу мамлакатларнинг хусусий мулкчилик инстинкти блан суғорилган деҳқонлари бирданига бу шиорни ҳазм қилаолмайдилар, деб огоҳлантиргани характерли бир ҳол эмасми, ахир. Бу фаркни ҳисобга олмаслигимиз ва Ленининг кўрсатмаларини э'тиборга олмаслигимиз мумкинми? Равшанки, мумкин эмас» (Асарлар, 11 том, 169—170 бетлар).

Халқ демократияси мамлакатларининг коммунистик ва ишчи партиялари В. И. Ленин ва И. В. Сталининг кўрсатмаларига амал қилиб, аграр реформаларини ўтказган вақтда ерни национализация қилишни эмас, балки деҳқонларнинг ишчилар синфи раҳбарлиги остида ерни мусодара қилишлари ва бўлиб олишлари йўли блан помешчиклар синфини тугатишни асосий вазифа қилиб қўйдилар.

Халқ демократияси мамлакатларида ўтказилган ер ислоҳотининг сиёсий аҳамияти шундаки, бу тадбир натижасида помешчиклар синфи тугатилди ва мазкур мамлакатлар ишчилар синфи блан деҳқонларнинг асосий оммаси ўртасидаги иттифоқни мустаҳкамладилар, қишлоқлардаги кенг меҳнаткашлар оммасини халқ демократик ҳокимияти блан маҳкам боғладилар.

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг В. И. Ленин томонидан ишлаб чиқилган аграр программаси, қишлоқларимизни социалистик негизда қайтадан қуриш процессида тўпланган жуда бой тажриба халқ демократияси мамлакатларидаги коммунистик ва ишчи партиялар учун қудратли қуролдир. Улар қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг ленинча кооператив планига таяниб, қишлоқда кооператив жамиятларини муваффақиятли суратда барпо қилмоқдалар. Бизнинг мамлакатимизда қишлоқ хўжалик кооператив бирлашмаларининг ҳамма формалари давлатга қарашли ерларда барпо қилинди. Халқ демократик мамлакатларда эса деҳқон хўжаликларини кооперативлаштириш ерга хусусий мулкчилик мавжуд бўлган бир шароитда амалга оширилмоқда.

Хитой ишчилар синфи деҳқонлар блан иттифоқ бўлиб ўз Коммунистик партиясининг раҳбарлиги остида ғоят революцион аграр реформани амалга ошириб, Хитой деҳқонларидан 300 миллиондан ортиқ киши помешчикларнинг 47 миллион гектар ерларини олдилар. Хитой Халқ Республикасининг илгари озод қилинган районларида ҳозирги вақтда барча деҳқон хўжаликларининг 65 процентидан кўпроғи ярим социалистик характерга эга бўлган ўзаро ёрдам меҳнат бригадаларида ва қишлоқ хўжалик ишлабчиқариш кооперативларида а'зодир.

Халқ демократияси мамлакатларида ишчилар синфининг ва унинг коммунистик авангардининг раҳбарлиги остида шаҳарда ишлабчиқариш муносабатларининг тобора ривожланаётган янги социалистик типи қарор топган ва қишлоқларда мустаҳкам позицияларга эга бўлган бир шароитда капиталистик мамлакатларда ишлабчиқариш кучлари бир ўринда тўхтаб қолмоқда. Капиталистик мамлакатлардаги қишлоқ хўжалигининг ҳозирги аҳволи шу блан характерланадики, бу хўжалик тушкунликка юз ўгирмоқда ва меҳнаткаш деҳқонлар тобора ҳонавайрон бўлмоқдалар. Масалан, Ғарбий Европадаги капиталистик мамлакатларнинг миллионларча меҳнаткаш деҳқонлари ерсизлик ва кам ерликдан азоб чекаётган бир пайтда, ишлаб экин экиладиган ҳамма ерларнинг учдан бир қисмидан кўпроғи бир ҳовуч ер эгалари қўлидадир.

Америка Қўшма Штатларида 1935 йилдан тортиб 1950 йилгача ўтган 15 йил ичида 1,4 миллион фермер ҳонавайрон бўлиб ўз хўжалигини ташлаб кетди. Ана шу фермерларнинг миқдори барча фермерларнинг 21 процентини ташкил этади. Америка Қўшма Штатларида майда ва ўрта фермерлар ҳар йили йирик ер эгаларига сал кам 3 миллиард доллар аренда ҳақи тўлайдилар. Бу эса фермерлар йиғиштириб оладиган барча қишлоқ хўжалик маҳсулотлари қимматининг 30 процентдан кўпроғини ташкил этади. Капиталистик мамлакатларда қишлоқ хўжалик пролетарларининг сони йил сайин кўпаймоқда. Уларнинг сафи ҳонавайрон бўлган деҳқонлар ҳисобига тобора кенгаймоқда. Ҳозирги вақтда Америка Қўшма Штатларида қишлоқ хўжалик пролетариатининг сони 5 миллион кишидан ортиқдир.

Мустамлака ва қарам мамлакатлардаги деҳқонларнинг аҳволи бундан ҳам оғирдир. Бу мамлакатлардаги деҳқонларнинг кўпчилиги муҳтожлик, очлик ва қирилиб кетишга маҳкум этилгандир. Бу мамлакатларда аграр муносабатларнинг характерли хусусияти, ерларнинг кўпчилиги четэл компаниялари, маҳаллий помешчик-феодаллар ва буржуазия қўлидалигидадир.

Капиталистларсиз, помешчикларсиз янги ғўзал ҳаёт барпо қилаётган СССР ва халқ демократияси мамлакатларининг намунаси капиталистик ва мустамлака мамлакатлардаги меҳнаткашларга эксплуатация ва қашшоқликдан озод бўлиш йўлини кўрсатиб бермоқда.

М. КИТАЕВ.

Тарих фанлари кандидати.

СССР ҚИЗИЛ КРЕСТ ВА ҚИЗИЛ ЯРИМОЙ ЖАМИЯТЛАРИ СОЮЗИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИДА

Совет матбуотида илгари хабар берилганидек, Япония Қизил Крести делегацияси блан СССР Қизил Крести ва Қизил Яримой жамиятлари Союзи ижроия комитети ўртасида ўтган йили ноябрь ойида бўлган музокаралар натижасида, жазо муддатини ўтаган, амнистия қилинган ва муддатидан илгари озод қилинган япон ҳарбий асирларини ва граждан шахсларни СССРдан репатриация қилиш тўғрисида совет-япон ахбороти имзоланган эди.

Репатриация қилиниши лозим бўлган япон ҳарбий асирларининг ҳаммаси ва граждан шахслардан анча қисми СССР Қизил Крест ва Қизил Яримой жамиятлари Союзи ижроия комитетининг ёрдами блан 1953 йил 28 ноябрьда репатриация қилинган эди.

Шундан кейин СССР ҚК ва ҚЯО жамиятлари Союзининг ижроия комитети жазо муддатини ўтаб бўлган ва Совет Иттифоқининг турли районларида эркин яшаб турган қолган япон граждан шахсларни репатриация қилишга тайёрлаш соҳасида зарур ёрдамни кўрсатди.

Ҳозирги вақтда японияли граждан шахсларнинг ана шу группасини Япония Қизил Крести вакилларига топширишга тайёргарлик тамом бўлаётир. Репатриантларни олиш учун 17 мартда етиб келган «Коан-мару» пароходида уларнинг Японияга жўнаб кетаолишлари учун тегишли чоралар кўрилмоқда.

СССР давлат халқ рақс ансамблининг Венгриядаги концертлари

БУДАПЕШТ, 18 март. (ТАСС). СССР Давлат халқ рақси ансамбли Венгрияда Игорь Моисеев раҳбарлигида зўр муваффақият блан концертлар қўйиб бермоқда. Венгрия-Совет дўстлиги ойлиги вақтида ансамбль Будапештда 15 та концерт қўйиб берди. Ансамбль, жумладан, ўзининг «Тинчлик ва дўстлик» деган янги программасини кўрсатди. Бу концертларда 40 минг тамошабин қатнашди.

Ансамбль коллективининг Венгрия давлат ашула ва рақс ансамбли артистлари блан бўлган учрашувлари самимий дўстона вазиятда ўтди. Венгрия Халқ армияси ашула ва рақс ансамбли қажма касаба союзлари ансамбли коллективлари блан ҳам учрашувлар бўлди.

Бугун СССР Давлат халқ рақс ансамбли Сталинварошда биринчи концерт беради, сўнгра ансамбль шахтёрлар шаҳри Татабаняда, Венгриянинг металлургия маркази Мишкольцда, Дебрецен шаҳрида концертлар қўйиб беради.

Венгрия матбуоти совет рақсчиларининг маҳоратига юксак баҳо бермоқда.

Мўғулистон Халқ Республикаси ҳукумати чорвадор аратларнинг фаровонлигини ошириш тўғрисида ғамхўрлик қилмоқда

УЛАН-БАТОР, 18 март. (ТАСС). Мўғулистон Халқ Республикасининг Министрлар совети арат хўжаликларининг давлатга чорвачилик маҳсулотлари етказиб бериш мажбурияти ва чорвачилик солиғи бўйича ўтган йиллардан қолган боқимандаларини кечиб юбориш тўғрисида қарор қабул қилди. Қарорга мувофиқ сут ва ёғ топшириш мажбуриятлари бўйича барча арат хўжаликларини ўтган йиллардан қолган боқимандалари тамомила кечиб юборилади. Давлатга гўшт, жун, эчки тивити топшириш юзасидан бўлган боқимандалар ҳамда чорвачилик солиғи бўйича бўлган боқимандалар масаласига келганда эса, улар 1953 йилдаги рўйхат бўйича чорва молларининг сони уч юз бошгача бўлган арат хўжаликлари устидан тўла равишда кечиб юборилади, чорва молларининг сони 300 бошдан 500 бошгача бўлган арат хўжаликларидан боқимандаларнинг 50 процента кечиб юборилади.

Мўғулистон Халқ Республикаси ҳукуматининг қарори арат хўжаликларининг моддий аҳволини янада яхшилашга қаратилган.

Боқимандаларнинг кечиб юборилиши ва уларнинг камайтирилиши аратларнинг шахсий даромадларини кўпайтаради, камбағал ва ўрта ҳол хўжаликларнинг фаровонлигини оширади.

Мўғулистон Халқ Республикаси Министрлар советининг қарорини Мўғулистоннинг меҳнаткаш аратлари қизғин ма'қуллаб кутиб олдилар.

Хитойда ҳокимиятнинг маҳаллий органларига сайлов

ПЕКИН, 18 март. (ТАСС). «Женьминьжибао» газетасининг хабар беришича, Хитой Халқ Республикасида халқ вакиллари маҳаллий мажлисларига бўлаётган умумий сайлов аҳолиси 235 миллиондан кўпроқ кишини ташкил этган территорияда тамом бўлган.

Сайлов Гирин ва Секан вилоятларида ҳамда Хитойнинг Шаяхай, Дальний, Аньшань, Фушунь, Веньси, Чанчунь, Харбин, Сиань ва Чунцин каби йирик шаҳарларида тамомланган. 10 мартгача 87.766 сайлов участкасида ҳокимиятнинг маҳаллий органларига сайлов тугалланди. Ҳозирги вақтда яна 62.945 сайлов участкасида сайлов ўтказилмоқда.

Хитой меҳнаткашлари халқ вакилларининг маҳаллий мажлисларига ишчилар, деҳқонлар ва интеллигенция орасидан энг яхши кишиларни сайламоқдалар. Газетанинг хабар беришича, Тяньцзиньда халқ вакилларининг маҳаллий мажлисларига сайланган депутатларнинг 70 процентини шаҳар корхоналаринг ишлабчиқариш а'лочилари бўлган ишчилар ташкил этади. Хитой Халқ Республикасининг майда миллатлар яшайдиган районларида ҳакимият маҳаллий органларига сайлов ўтказилганидан кейин янги автоном миллий округлар ташкил қилинган.

Мисрда «Садко» номли совет фильмининг муваффақияти

ҚОҲИРА, 18 март. (ТАСС). Қоҳирада «Садко» номли совет кинофильми икки ҳафтадан бери кўрсатилмоқда. Фильм тамошабинларга ғоят манзур бўлмоқда. «Алжумҳур Алмисри» газетаси фильмга юксак баҳо бериб уни «сан'атда реалистик мактабнинг ёрқин намунаси» деб атамоқда.

Дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдамлашиш ҳақидаги Совет-Болгария шартномасининг олти йиллиги

СОФИЯ, 18 март. (ТАСС). Бугун болгар халқи Совет Иттифоқи блан Болгария Халқ Республикаси ўртасида дўстлик, ҳамкорлик, ўзаро ёрдамлашиш ҳақида тузилган Шартноманинг олти йиллигини нишонламоқда. Болгария газеталари шартномага бағишланган бошмақолалар босмоқдалар.

Совет Иттифоқи блан тузилган шартнома, — деб ёзади «Работническо дело» газетаси бошмақоласида, — болгар халқи учун унинг улуғ рус халқига, ўз оғасига бўлган чуқур муҳаббат ва миннатдорчилик ҳисларининг энг юксак ифодаси бўлди. Улуғ рус халқи болгар халқига озодлик келтирди.

Дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдамлашиш ҳақидаги Шартноманинг олти йиллиги кунида бизнинг халқимиз фахр блан айтадики, болгар халқи учун улуғ Совет Иттифоқи блан чексиз дўстлик энг муқаддас нарсадир. Болгар халқи бу дўстликни кўз қорачиғидай сақлайди.

Мамлакатимизни ҳартарафлама ривожлантиришда Болгария-Совет дўстлигининг бераётган натижалари бебаҳодир. Мамлакатимиз ўзига фашизм ва уруш томонидан етказилган жароҳатларни ана шу дўстлик туфайли даволаб бўлди ва социалистик тараққиёт йўлидан ишонч блан олга бормоқда.

Дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдамлашиш ҳақидаги Болгария-Совет шартномаси Болқонда тинчликни сақлашнинг жиддий факторидир. Бу шартнома шундай енгилмас истеҳкомдирки, халқимизнинг тинч ижодий меҳнатини бузиш йўлидаги ҳамма уринишлар ана шу истеҳкомга дуч келиб барбод бўлади.

Шарқий Покистон қонун чиқариш мажлисига сайлов

КАРАЧИ, 17 март. (ТАСС). 8 мартдан 12 мартгача Шарқий Покистонда қонун чиқариш мажлисига сайлов бўлиб ўтди.

Покистондаги бу сайловга катта аҳамият берилмоқда, чунки Шарқий Покистонда бутун мамлакатдаги аҳолининг ярмидан кўпроғи (76 миллион аҳолидан 42 миллиони) яшаб турибди.

Бу сайлов яна шунинг учун ҳаммани қизиқтирадики, сайлов Покистоннинг ҳукмрон доиралари Америка Қўшма Штатлари блан ҳарбий «ёрдам» ва ҳарбий иттифоқ тузиш ҳақида музокаралар олиб бораётган пайтда бўлиб ўтди. АҚШ блан ҳарбий иттифоқ тузишга муносабат ҳақидаги масала сайлов курашидаги асосий масалардан бири бўлди. Шу блан бирга Шарқий Покистондаги ҳамма асосий оппозиционер партияларнинг вакиллари АҚШ блан ҳарбий иттифоқ тузилишига қарши чиқдилар.

Сайлов вақтида ҳукмрон партия — Покистон Мусулмон иттифоқи блан оппозиционер партияларнинг бирлашган фронти ўртасида кураш борди. Оппозиционер партияларнинг бирлашган фронти Шарқий Покистон халқ Мусулмон иттифоқидан, Покистон Коммунистик партиясининг Шарқий Покистон ташкилотидан, Шарқий Покистон деҳқонлар ва ишчилар партиясидан, Социалистик партиянинг Шарқий Покистон ташкилотидан, шунингдек Шарқий Покистондаги озчиликни ташкил этган ҳиндлар ташкилотидан иборат.

Дастлабки ма'лумотларга кўра, Бирлашган фронт Мусулмон иттифоқи устидан тўла ғалаба қозонган. Ассошиэйтед Пресс оф Пакистан агентлигининг хабарига қараганда, 17 мартда 55 сайлов округида овоз бериш натижалари ма'лум бўлган. Бирлашган фронт 51 ўрин, Мусулмон иттифоқи 2 ўрин ва мустақиллар 2 ўрин олган. Бирлашган фронтнинг кандидати — студентларнинг раҳбарларидан бири, 18 яшар Холиқ Новозохон ҳукмрон партия кандидати — Шарқий Покистон вилоятининг бош министри Нурул Амин устидан ғалаба қозонган. Вилоятнинг йўллар министри Хассан Али ва маориф министри Абдул Хамид ҳам мағлубиятга учраганлар.

Сайлов натижалари Покистоннинг ҳукмрон доираларини саросимага солди. «Доон» газетасининг хабар беришича, кеча Мусулмон иттифоқининг ижроия комитети сайлов натижасида юз берган кризисни 8 соат давомида муҳокама қилган. Покистон бош министри Муҳаммад Али Миллатлар ҳамкорлиги мамлакатларининг Лаҳор шаҳрида очиладиган ғайрирасмий конференциясига боришини кечиктиришга мажбур бўлган.

Матбуотда босилган хабарларга қараганда, Шарқий Покистондаги сайлов натижалари Қўшма Штатлар учун ҳам кутилмаган кўнгилсиз воқиа бўлиб чиққан, чунки бу ҳол Қўшма Штатларнинг Покистонни ўзининг таянч базасига айлантириш ҳақидаги мўлжалларини чигаллаштиради.

Шарқий Покистондаги аввалги чақириқ қонун чиқариш мажлисининг вакилларга муддати тугаганлиги муносабати блан 14 мартдан бошлаб Шарқий Покистонда бутун ҳокимият вилоят губернаторига топширилган. Бирлашган фронт вакиллари губернатор идора усулини бекор қилишни ва Бирлашган фронтга янги ҳукумат тузиш имконияти берилишини талаб қилмоқдалар.

Ғарбий Германияда йирик монополистик банклар яна тикланмоқда

БЕРЛИН, 17 март. (ТАСС). Ғарбий Германияда учта монополистик банкни, я'ни «Дейче банк», «Дрезденер банк» ва «Коммерцбанк» деган банкларни «майдалаш» ишлари тамом бўлган. Бу йирик банклар Германиядаги фашистлар режимини пул блан та'миилаб келган эдилар ва Гитлер фашизми тор-мор келтирилганидан кейин тугатилиши лозим эди. Аммо, шу банкларни «қайтадан ташкил қилиш» натижасида энди Ғарбий Германияда учта йирик банклар группаси вужудга келди. Булар аввалги йирик банклардан ўзларининг ички тузилишлари блангина фарқ қиладилар.

«Дейче банк» группасига «Норддейче банк», «Рейнишвестфелише банк» ва «Зюддейче банк» киради. «Дрезденер банк» группаси «Гамбургер кредит-банк», «Рейн-Рур банк» ва «Рейн-Майн банк» деган банкларни бирлаштиради. «Коммерцбанк» «Коммерц-унд дисконто-банк» «Банкферейн вестдейчланд» ва «Коммерц-унд кредит-банк»дан иборат.

Ғарб давлатлари йирик немис банкларини, монополистик банкларни ҳақиқатан йўқотиш мақсадида «майдалаш» чораларини кўрмадан, балки Ғарбий Германиядаги ҳарбийлаштириш ҳамда ҳарбий тайёргарлик ишларини пул блан кенг суратда та'миилаш имкониятини берадиган қилиб «қайтадан ташкил қилиш» чораларини кўрдилар.

Италия савдо доиралари Совет Иттифоқи ва халқ демократияси мамлакатлари блан савдо-сотиқни кенгайтиришни талаб қилмоқдалар

РИМ, 17 март. (ТАСС). «Унита» газетасининг хабар беришича, чет мамлакатлар блан эркин савдо-сотиқ қилиш масаласи юзасидан Мессинда кенгаш бўлиб ўтган. Савдогарлар ва экономистларнинг бир группаси томонидан чақирилган бу кенгашда Сицилия ва Калабрия иқтисодий, савдо ва саноат доираларининг вакиллари қатнашган.

Кенгаш қатнашчилари Совет Иттифоқи ва халқ демократияси мамлакатлари блан эркин савдо-сотиқ қилишга халқит беручи тўсқинликларнинг ҳаммасини бартараф қилиш зарурлигини та'кидлаганлар. Сицилия область мажлисининг депутатлари Сайа (либерал) ва Рекуперо (социалдемократ) ҳам шундай таклифлар блан чиққанлар.

Миср ҳукуматининг норозилиги

ҚОҲИРА, 18 март. (ТАСС). «Алжумҳурия» газетаси хабар беради: Миср ташқи ишлар министри Фавзий кеча Англия элчиси Стивенсонга «инглиз қўшинларининг Сувайш канали зонасидаги агрессив ҳаракатларига қарши» Миср ҳукуматининг норозилигини билдирди.

Газетанинг ёзишича, — бу кейинги ҳафта ичида Мисрнинг Англияга билдирган иккинчи норозилигидир.

Газетанинг ёзишича, Фавзий инглиз элчисига, Миср ҳукумати «тинч аҳолига қарши қаратилган ҳарқандай агрессияга хотима бермоқ учун ҳамма зарур чораларни кўради», деб билдирган. Фавзий, инглиз қўшинлари дарҳол ўз лагерьларига қайтарилсин, инглиз ма'мурлари эса қамоққа олинган мисрли гражданларни қамоқдан бўшатсинлар, деб талаб қилган.

Газеталарнинг хабарига кўра, Стивенсон ўз томонидан Фавзийга Сувайш канали зонасида инглиз ҳарбий хизматчиларига «ҳужумлар қилинаётганлиги»га қарши Англия ҳукуматининг норозилигини топширган.

ҲАРБИЙЛАШТИРИШ ОҚИБАТЛАРИ

Покистон янги бюджетининг проекти

КАРАЧИ, 17 март. (ТАСС). Покистон та'сис мажлисининг кеча кўкламги сессияси очилди.

Молия ва экономика министри Муҳаммад Али Чоудхури 1954—55 йилги бюджетни мажлис муҳокамасига тақдим қилди. Бюджетнинг даромад қисми 1.114.700 минг рупиядан, харажат қисми 1.113.700 минг рупиядан иборат.

Бюджет харажат қисмининг асосий харажатлари 640.500 минг рупиядан иборат ҳарбий харажатлар бўлиб, бу эса, бир йилги барча тушумларнинг 58 процентчасини ташкил қилади. Бу йил мазкур маблағдан ташқари яна асосан ташқи ва ички заёмлардан ҳамда четэлдан олинадиган ёрдамлардан ҳосил бўладиган «капитал тушумлар»дан ҳам 159.500 минг рупия ҳарбий мақсадларга сарф қилинади.

Маориф учун 24.500 минг рупия ва соғлиқни сақлаш учун 14.200 минг рупия сарф қилиш кўзда тутилади.

Совет Иттифоқи ва Аргентина командалари ўртасида ўртоқлик шахмат мусабақаси

БУЭНОС-АЙРЕС, 18 март. (ТАСС махсус мухбири). 16 мартда СССР ва Аргентина командалари ўртасида халқаро ўртоқлик шахмат мусобақаси бошланди. Совет Иттифоқи командасида халқаро гроссмейстерлар Бронштейн ва Керес СССР чемпиони гроссмейстер Авербах, гроссмейстерлар Тайманов, Котов, Петросян, Геллер ва Болеславский бор. Аргентина командаси халқаро гроссмейстер Мигель Найдорф, халқаро мастер Хулио Болбочан, Аргентина чемпиони мастер Оскар Панно, халқаро гроссмейстер Эрик Элисказес, халқаро мастер Эктор Россетто, халқаро гроссмейстер Герман Пильник, Аргентина мастери Карлос Мадерна ва халқаро мастер Карлос Гюмарлардан иборат.

Биринчи бўлиб Геллер ғалаба қозонди. У 35-нчи юришда Мадернани таслим бўлишга мажбур этди. Найдорф 42-нчи юришда Бронштейнга таслим бўлди. Россетто Котовга ютқазди.

Элисказес блан Тайманов, Пильник блан Петросян ва Болбочан блан Керес ўртасидаги ўйинлар дуранг бўлди. Авербах блан Панно ва Гюмар блан Болеславский ўртасидаги ўйинлар тамом бўлмади.

17 мартда ўртоқлик мусобақасининг биринчи даврасида тамом бўлмай қолган ўйинлар давом этдирилганда Авербах блан Панно ўртасидаги ўйин дуранг бўлиб тугади. Болеславский блан Гюмар ўртасида совет гроссмейстери учун оғир аҳволда кечиктирилган ўйин Гюмарнинг ғалабаси блан тугади. Шундай қилиб, биринчи давранинг ҳисоби совет шахматчилари фойдасига 5:3 бўлди.

Венгрия-Совет дўстлиги ойлиги

БУДАПЕШТ, 18 март. (ТАСС). Венгрияда 18 февральда бошланган Венгрия-Совет дўстлиги ойлиги муваффақиятли ўтмоқда. Тўлиқ бўлмаган ма'лумотларга қараганда, шу вақт ичида 3,5 минг кеча ўтказилди. Венгрия меҳнаткашларининг Совет Иттифоқига бориб келган делегатлари кўп кечаларда ўз сафарлари ҳақида ҳисобот бердилар. Венгрия корхоналарида совет техникаси ҳақида кечалар ўтказилмоқда. Мамлакатнинг ҳамма қисмида шаҳар ва қишлоқларда Совет Иттифоқи ҳақида лекция ва докладлар ўтказилмоқда, совет адабиёти ва музикаси ҳақида кечалар уюштирилмоқда.

Пойтахтда Венгрия-Совет жамияти соғлиқни сақлаш министрлиги блан бирликда академик Павловнинг та'лимотига бағишланган конференция ўтказди. Макаренко ва Тарас Шевченко хотирасига бағишланган кечалар бўлиб ўтди. Дўстлик ойлигига қатнашиш учун келган совет артистлари бирнеча марта концерт бердилар. Совет маданияти арбоблари делегациясининг а'золари бирнеча марта венгер меҳнаткашлари блан учрашдилар.

Кўп жойда Совет Иттифоқида она ва болаларни муҳофаза қилиш, СССРда бадиий ҳаваскорлик, совет хотин-қиз мактаблари, қишлоқ хўжалик ишлабчиқариши ҳақида виставкалар очилди. 800 жойда совет китоби виставкаси очилди. Тамошабинлар блан лиқ тўлган залларда совет фильмлари фестивали ўтказилмоқда. Будапештда фестиваль вақтида фақат бир ҳафта ичида кинотеатрларда совет фильмларини 533 минг киши тамоша қилди.

Даллеснинг Жанва кенгаши муносабати блан қилган баёноти ҳақида Синьхуа агентлигининг хабари

ПЕКИН, 17 март. (ТАСС). Синьхуа агентлиги билдиради:

«АҚШ давлат секретари Даллес 16 мартдаги матбуот конференциясида баёнот бериб, 26 апрельда очилиши мўлжалланган Жанва кенгаши кечиктирилиши мумкин, деб билдирди. Даллеснинг тўсатдан қилган бу хил баёноти Жанва кенгашини муваффақият блан чақиришга ҳалақит бериш, Берлин кенгашида эришилган битимни бузиш йўлида очиқданочиқ қилинаётган уринишдан бошқа нарса эмас.

Даллеснинг баёноти Жанва кенгашини чақиришни кечиктиришга қаратилган Америка планининг зўр бериб давом эттирилишидир. Берлин кенгашидан кейин АҚШ Жанва кенгашининг перспективалари ҳақида пессимистик фикрларни зўр бериб тарқатиб келмоқда, кенгашнинг аҳамиятини камситиб кўрсатмоқда ва кенгашни Кореяда бир-бирига қаршимақарши турган икки томон ўртасидаги музокаралардан иборат қилиб қўйишга уринмоқда».

Тунис коммунистик партиясининг баёноти

ПАРИЖ, 18 март. (ТАСС). «Юманите» газетасининг хабар беришича, Тунис Коммунистик партияси Тунис студентларининг 15 мартда бўлиб ўтган намойиши муносабати блан баёнот э'лон қилган. Намойиш вақтида уч киши ўлдирилган, бирнеча ўнлаб киши ярадор қилинган ва қамоққа олинган эди.

Бу жиддий воқиалар,—дейилади коммунистик партиянинг баёнотида,—сохта реформалар ҳечнимани ўзгартирмаганлигини кўрсатиб туради. Бундай реформалар Тунис халқини алдаш мақсадида ишлатилган найрангдан иборат, холос. Империалистлар миллий ҳаракат қатнашчиларини қўрқитиш учун тунислиларни ўлдирмоқдалар.

Тунисда студентлар Намойишининг ўққа тутилишига қарши норозилик ҳаракати

ПАРИЖ, 17 март. (ТАСС). Француз мустамлака ма'мурлари томонидан жорий қилинган «ислоҳотлар»га қарши 15 мартда Тунисда студентлар томонидан ўтказилган намойиш вақтида, матбуотнинг хабар беришига қараганда, полиция томонидан икки студент ўлдирилган, ваҳоланки илгари фақат бир студент ўлдирилган, деб хабар қилинган эди.

«Монд» газетасининг ёзишича, шаҳарда «ҳанжон кучайиб кетган». Тунис шаҳрининг араблар яшайдиган қисмидаги савдогарлар ҳалок бўлган намойишчиларга мотам тутиб, магазин ва дўконларини бекитиб қўйганлар. Сфаксда барча савдо муассасаларининг 70 процентчаси ёпилган.

Суода ялпи забастовка э'лон қилинган.

Эрон сенати ва мажлисининг сессияси очилди

ТЕҲРОН, 18 март. (ТАСС). Бугун Эрон иккинчи чақириқ сенатининг ва 18-нчи чақириқ мажлисининг сессияси очилди.

Сессия очилган вақтда шох қисқача нутқ сўзлади.

Сурия парламентида

ДАМАШҚ, 18 март. (ТАСС). Кеча Сурия парламентининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда бош министр Сабри Аслийнинг ҳукумати декларацияси юзасидан музокаралар бўлди. Музокаралардан кейин парламент ҳукуматга ишонч билдирди.

Жаҳон биринчилиги учун шахмат мусобақаси

ИККИНЧИ ЎЙИН

18 мартда П. И. Чайковский номидаги концерт залида шахмат бўйича жаҳон биринчилиги учун бўлаётган мусобақанинг иккинчи ўйини бўлди. Оқ доналар блан Ботвинник ўйнади. 30-нчи юришда Смислов таслим бўлишга мажбур бўлди.

Икки ўйиндан кейин мусобақа ҳисоби Ботвинник фойдасига 2:0 бўлди.

20 мартда П. И. Чайковский номидаги концерт залида жаҳон биринчилиги учун бўлаётган мусобақанинг учинчи ўйини бўлади. Оқ доналар блан Смислов ўйнайди. (ТАСС).

Тошкентда

СССР Министрлар Совети ва КПСС Марказий Комитетининг «Ўзбекистон ССРда 1954—1958 йилларда пахтачиликни янада ривожлантириш ҳақида»ги қарорида бу йил 1952 йилдагига нисбатан республиканинг колхоз ва совхозларида суғориладиган ерларни 600 минг гектарга кўпайтиришни та'мин этадиган сув хўжалиги ишларини амалга ошириш кўрсатилган.

Бу янги ерларни ўзлаштиришда асосий лойиҳа ишлари Тошкентдаги «Средазгипроводхлопок»нинг лойиҳа институти ва унинг Ўзбекистон филиалли томонидан амалга оширилади.

Инженер А. В. Петров раҳбарлигида Каттақўрғон сув омборини қайта қуриш лойиҳаси ишлаб чиқилди. Зарафшон дар'ёсидан тўла фойдаланиб, Каттақўрғон сув омбори 900 миллион, кубометрга яқин сув сигадиган ҳолга келтирилади.

Қиш пайтида Зарафшон дар'ёсида фойдаланилмай қолган 200—250 миллион кубометр сувни сув омборига тўплаш ёз пайтида қўшимча равишда 20—25 минг гектар пахта майдонини суғориш имкониятини беради.

Сув омбори бу йил қурилиб тамомланадиган Дамҳожи темир бетон тўғонидан, шунингдек сув омборини ташкил этувчи сув келадиган ва сув кетадиган каналлар ҳамда тупроқдан қурилган тўғондан иборат бўлади. Суратда: «Средазгипроводхлопок»нинг бош инженери, СССР Олий Советнинг депутати И. Д. Лебедев (чапда) ва Дамҳожи гидроузели лойиҳасининг бош инженери А. В. Петров ўртоқлар гидроузелнинг иш чертёжини кузган кечирмоқдалар.

С. Кропикицкий фотоси (ЎзТАГ фотохроникаси).

600 ишчи бешйиллик нормани бажарди

Ворошилов номидаги «Ташсельмаш» заводининг коллективи ҳар ойда меҳнат соҳасида янгидан-янги муваффақиятларга эришмоқда. Январь ва февраль ойи топшириқларини анча ошириб бажарган машинасозлар ҳозир биринчи квартал давлат планини муддатидан олдин бажариш учун курашмоқдалар.

Завод коллективи қўлга киритаётган бу муваффақиятлар — меҳнат унумини системали равишда ошириб боришнинг натижасидир. 600 га яқин ишчи ўзининг бешйиллик нормасини бажариб бўлди. Формовщиклардан Г. Заричев ва И. Исмоилов, темирчи М. Юсупов, қирқучи Н. Мансуров, слесарь П. Куликов каби ўртоқлар бешйиллик бошидан буён ўтган даврда 8-10 йиллик ва ундан ҳам ортиқ нормани бажардилар.

Магазин, ресторан, ошхона тормоқлари кенгайтирилмоқда

Шаҳарда савдо ва умумовқатланишнинг янги тормоқларини кенгайтириш юзасидан катта ишлар олиб борилмоқда. Максим Горький номли маданият ва истироҳат паркида «Весна» ресторани, Октябрь районида кафе, Куйбишев районида ошхона қурилмоқда. Озиқ-овқат магазинларининг 15 га яқин биноси, шунингдек нефть маҳсулотлари, ёқилғи блан савдо қилучи дўконлар қад кўтармоқда. Бундан ташқари сабзавот сақланадиган 2 омбор қурилаётир.

Шу йилнинг охиригача 50 га яқин савдо ва умумовқатланиш тормоғи ишга туширилади. Улар янги ошпазлик техникаси, холодильник установкалари, ошхона асбоб-ускуналари ва бошқа асбоб-ускуналар блан та'минланади.

Штанга бўйича республика янги рекордлари

Тошкент Темирйўлчилар маданият саройининг спорт залида оғир атлетика-штанга бўйича «Локомотив» кўнгилли спорт жамиятининг Узсовпроф ва Йўл Совети шахсий-команда биринчилиги учун мусобақаси икки кун давом этди. Мусобақаларда 6 спорт жамияти, жумладан «Локомотив», «Торпедо», «Энергия», «Урожай», «Зенит», «Медик» спорт жамиятлари қатнашди. 63 оғир атлетикачи биринчиликни қўлга киритишга муваффақ бўлди.

Мусобақалар натижасида «Локомотив» спорт жамияти биринчи, «Торпедо» жамияти иккинчи, «Медик» жамияти учинчи ўринни эгаллади. «Локомотив» кўнгилли спорт жамиятининг командасига Узсовпрофнинг кўчма кубоги топширилди.

Мусобақаларда штанга бўйича олтита республика янги рекорди қўйилди. А. Артемьев, С. Коришанов, Ю. Чауский, А. Петросов, Т. Кузнецов ўртоқлар энг яхши натижаларга эришдилар.

ОБ-ҲАВО МА'ЛУМОТИ

Тошкент об-ҳаво бюросининг ма'лумотига қараганда бугун Ўзбекистон областларида ҳавонинг булутли бўлиши ва ёмғир ёғиши кутилади. Температура Хоразм области ва Қорақалпоғистон АССР да 0 даража атрофида, бошқа областларда эса 6—12 даража ўртасида иссиқ бўлади.

Тошкентда ҳаво булутли бўлиб, ёмғир ёғади. Температура 7—9 даража иссиқ бўлади.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 21/III да кундуз **Васса Железнова**, кечқурун **Юрак сирлари**.

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА—20/III да **Гулсара**, 21/III да кундуз **Бўронда**, кечқурун **Чио-Чио-Сан**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 20/III да **Тоҳир ва Зуҳра**, 21/III да кундуз ва кечқурун **Муқимий**.

«ЁШ ГВАРДИЯ» эрталаб соат 10 ва 11—45 минутда янги рангли бадиий-ҳужжатли фильм **Тинчлик ва дўстлик учун**.

«ИСКРА» — ҳамма залда кеч соат 6—20 минутдан **Рус балети усталари**.

«РОДИНА», СОБИР РАҲИМОВ номли, НАВОИЙ номли, «ИСКРА» (ҳамма залда кеч соат 5—40 минутгача), «ЁШ ГВАРДИЯ» (кундуз соат 2 дан), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», ТИКУЧИЛАР САРОЙИ кинотеатрларида — янги француз бадиий фильми **Жаноб такси**.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА
3 бўлимда
ЦИРК ТАМОШАЛАРИ
Хотин-қизлар—
цирк сан'ати усталари
Парад-пролог
«Совет хотин-қизлари».
К. ДОРОТТИ АТТРАКЦИОНИ.
Тамоша кеч соат 8 да бошланади.
Якшанба куни уч марта тамоша кўрсатилади.

Ўзбек тилида чиқадиган
„ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ"
ва рус тилида чиқадиган
„ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА"
ОБЛАСТЬ ГАЗЕТАЛАРИГА
апрель ойи учун ва 1954 йил охиригача
обуна қабул қилиш давом этмоқда
АЙРИМ КИШИЛАРДАН ОБУНА:
муассаса ва ташкилотлардаги обуна пунктларида, шунингдек «Союзпечать» шаҳар бўлимида (Карл Маркс кўчаси, 25-нчи уй), Бош почтамтда (Крилов кўчаси, 4-нчи уй) ва Тошкент шаҳрининг почта бўлимларида қабул қилинади.
Тошкент областининг ҳамма шаҳар ва районларида обуна «Союзпечать»нинг шаҳар ва район бўлимларида, шунингдек корхоналар, қурилишлар, ҳўкув юртлари ва муассасалардаги жамоат обуна вакиллари томонидан қабул қилинади.
«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриёти.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 36334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 157, Пропаганда бўлими — 157, Совет қурилиши бўлими — 137, Маданият бўлими — 135, Адабиёт ва сан'ат бўлими — 135, Қишлоқ хўжалик бўлими — 135, Саноат ва транспорт бўлими — 136, хатлар бўлими — 137, Секретариат — 34048, э'лонлар бўлими — 38142.
Р. 00470. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. № 1294.